

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 21 (6983-6984)
1999 йил 25 май, сешанба

Сотувда эркин
нархда

МУСТАҚИЛЛИК ТАЛАБИ

Эй, болалар қадрига
Етинг Мустақилликнинг!
Биз боболар етмиш йил
Жабрин тортдик
қулликнинг.

Энди юрда хуррият,
Эрк кўёши балқиди чин.
Фафлат хобидан турган
Элнинг сафи қалқиди чин.

Эй, болалар, энди сиз,
Бир нарсага шайланинг:
Озод юртинг қудратли
Лочинига айланинг!

Ўқишда аъло бўлинг,
Ишда илғор, тadbиркор.
Хар бир ютук юрт учун,
Сув ва ҳаводек даркор.

Эҳ-ҳе, сизга мунтазир,
Ҳали қанча манзиллар.
Ишонаман, чиқади —
Сиздан элга манзурлар.

Умид билан хур Ватан,
Сизга боқиб турибди.
Бошингизда кўёшдек,
Кулиб, балқиб турибди.

Зиёвуддин ҚҶЗИЕВ,
Навойи вилояти, Хатирчи
туманидаги,
40-мактаб директори.

САЛОМ, ҲАЁТ!..



Ҳаёт шунчалар гузал ва ёқимлики, унда одамзод мангу яшасам дейди орзу умидга тулиб.

Менинг ҳам шундай орзуларимдан бири — сунгги кўнғироқ эди. Мен учун энг унутилмас, серзавқ кунда кўзларимда шодлик ҳамда ҳаяжон ёшлари билан, наҳотки, болалигимнинг ширин онлари утган даргоҳни тарк этмоқдан, дейман. Бизга чалинувчи кўнғироқ мустақил ҳаётга элтувчи йўлни кўрсатмоқда. Сунгги кўнғироқ садоси остида барча устозларимга узоқ умр тилайман. Менга билим берган муаллимларимдан Мушаррафхон, Ҳалимаҳон, Машҳурахон, Лутфиниса, Моҳираҳон опамлар ҳамда Азимбек акамга таъзим қиламан. Шу жумладан менга кўп йиллар дарс берган устозим Мелиниса опамларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Уларнинг пок руҳлари барча шогирдлари ўз ҳаёт йўлларини топиб олишларида ўқувчиларига мададкор бўлсин, дейман.

Албатта инсон яшар экан, у ўзига яқин дўст танлайди. Мен ҳам синфдошларим, дўгоналарим Нигора, Сожида, Барноҳонларни соғинаман, деб уйлайман. Барча-барча дўстларимни қаерда бўлмай ҳеч қачон дўстан ёмонлик кўрмайлик, дейман. Биз ёшларни мустақилликнинг ҳали очилмаган янги-янги қирралари кутмоқда. Юртбошимиз бизни ўз болаларим, дедилар. Қобил ўғил-қизлар бўлиб етишайлик.

Чалинадиган сунгги кўнғироқ бизларни нурли манзилларга чорласин. Ҳаётимиз хур ва фаровон бўлиши учун олға, тенгдошлар!

Энди дўстим хуш қол,
Йўлинг бўлсин оқ,
Жаранглаб чалинар,
Сўнги кўнғироқ...

Шахло МУТАЛОВА,
Тошкентдаги 203-
мактабнинг 11-«А» синф
битирувчиси.

ЖАСУР «ШЕР» БЎЛДИ

Синф раҳбаримиз Дилдора опа жуда ажойиб ўқитувчи. Доим бизни суюнтирадиган битта «сюрприз» ўйлаб юрадилар. «Бу йил Сизлар ун икки ёшга кирасизлар. Мучал тўйларингни утказамиз», деган гап ҳам Дилдора опамдан чиқди. Ота-оналаримиз ҳам рози бўлишди. Биз мучал тўйимизни ўзимизча ҳар хил тасаввур қилиб кўрган эдик, аммо бу қадар чиройли утади, деб кутмаган эдик. Tadbirkor амаки — синфдошимиз Шоҳруҳнинг адалари Раҳимжон Умиров синфимизга бир кунга чойхоналарини ҳада қилдилар.

Бизни Дилдора опам саф қилиб бошлаб келганларида, қарнай-сурнайлар билан кутиб олишди. Ҳаммамизнинг юракларимиз гурсиллаб уриб кетди.

— Сизлар болалик билан

хайрлашиб, ўсмирликка қадам қўймоқдасизлар. Энди фақат орзу қилиш билан иш битмайди. Бирор касб эгаллашни истасаларинг, зур ўқишларинг керак.

Бизга ана шундай тилаклар айтишди. Ўзимиз тайёрлаган шеър, ашулаларни айтдик. Мунира билан Жавлон «Учрашув» деган роса қизиқ интермедия уйнаб беришди. Маза қилиб рақсга тушдик, 12 та мучалга ўн иккита шеър бағишлаб, «Мучаллар айтишуви» утказдик. Ҳаммамнинг шер бўлгиси келди-ю, Дилдора опа шерни Жасурга бердилар. Мен илон, Гулсарвар ўртоғим кўён бўлди.

Энди ҳар кун мучал тўйи ҳақида гапиришяпмиз. Нималарни гапиришасиз, дейсизми?

Қаноат УМРЗОҚОВА: Мен бу синфда охириги йил ўқияпман. Янаги йилдан мазкур турк лицейига

бораман. Шунинг учун мучал тўй менга синфдошларим билан хайрлашув кечаси бўлди. Мен бу тўйни ҳеч ҳам унутмайман.

Назокат ОЛИМЖОНОВА: Кўпдан буён соғайиб кетолмаётган эдим. Опам бир кунга мучал тўйга деб касалхонадан ружсат сўраб олиб келгандилар. Бирам суюндим, худди соғайиб қолгандекман. Бизни ўқитувчиларимиз шунча яхши куришаркан-а, раҳмат!

Гулсарвар РАҶУПОВА: Мен катта бўлсам, ҳуқуқшунослик касбини эгалламоқчиман. Мучал тўйимиздан сўнг ҳар эрталаб соатимиз «Гули, тезроқ тур, ўқишинг керак», деб чиқиллаётганга ухшайди.

Дилфуза СОАТОВА: Ҳаммамизнинг ота-оналаримиз бир-бирлари билан яқиндан танишдилар. Роса гапиришиб утиришди. Ҳаммаси бир жойга келишса, роса зур буларкан. Ўзимизни энгил, эркин ҳис этдик.

Ана кўрдингизми, ҳамма хур-

санд, ҳамма катта одамдай бўлиб қолди. Таассуротларимиз ҳали-бери тугамайди. Радиомухбир Азиз ака, телевидение журналистлари Ҳафиза Ҳайитметова, Озода Турақуловалар бизнинг мучал тўйимиз ҳақида бутун Ўзбекистонга хабар

қилишди. Биз ҳаммага шундай қувончлар тилаймиз.

Орзу АЪЗАМОВА,
Тошкентдаги Академик
Содиқ Азимов номи 64-ўр-
та мактабнинг 6-синф ўқув-
чиси.



Бухоро — қадимий, тарихий обидаларга бой шаҳар. Ўзбек тили доимий анжуманининг бу ерда утказилиши бизни кувонтирди. Баҳовуддин Нақшбанд мақбараларини зиёрат этдик, Ситораи Моҳи хосса, Сомонийлар мақбараси, Сайид Амир Олимхон арки каби обидалар билан танишдик ва Бухородаги қатор мактабларда бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ибратли ишларни кўриб, ўзимизга хулосалар чиқардик.

Файзулла Хужаев туманидаги 6-мактаб 1936 йилда ташкил топган. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль қарори билан мактаб тарих фанига ихтисослаштирилди. Оғзаки суҳбат ва тест танлови асосида 3 та синфга 76 ўқувчи қабул қилинган. Биз шу мактабнинг тақдирот маросимида иштирок этдик. Бу маросимда иштирок этганлар: Халқ таълими вазири Ж. Р. Йўлдошев, академик А. Қайумов, республикамиз-

гора Юсупова, Мавжуда Орипова, Мавлуда Муродова, Саломат Саломова, ҳоким ўринбосари Неъмат Мухторов, техникум директори Ҳамза Муҳаммедовлар ҳаётнинг турли жабҳаларида ҳалол ишлаётганларидан кувондик. Мактаб ўқувчилари «Сиз та-

жи Мардон Бухоронинг машҳур маснавийҳони бўлиб, аждодидаги бу истеъдод жажжи қизалоққа юққан эди. Унинг шеърларидан намуналарни куйроқда ўқийсиз.

Тумандаги 9-мактабда янги яратилган «Она тили» дастурликлари ва дастур синов-

Мактабларни кезганда

бор. Тошкентда юз берган портлаш туфайли вайрон бўлган биноларга ачинамайман, бироқ юртбошимиз соғ қолганларига Тангрига шукур қиламан. Чунки Пре-

сотих ер участкасига бугун экилган. Ундан 40 минг соф даромад олиниб, мактабни таъмирлаш ишларига кам таъминланган оилаларга берилади. «Қаҳҳор ота» хусусий фирмаси раҳбари Ислоҳ Қаҳҳоров, «Муҳаммад» фирмаси раҳбари Муйиддин Солиев, «Маданият» жамоа хўжалиги ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга ёрдам берган. Бу мактабда асаричилик, зардўзлик, гулчилик тўғрақлари мунтазам ишлаб келаётгани туфайли, 6 йилдирки ўқувчилар Республика иқтидорли болалар анжуманида — «Табият инъомлари» кўриктанловида 1 ўринни олмоқдалар.

Садриддин Айний номили 18-мактабдан эса самбо кураши бўйича Европа Жаҳон чемпиони Собир Қурбонов жаҳон кубоги совриндори Ақобир Қурбонов, чемпионлар Шўҳрат Очилов, Рауф Болтаевлар етишиб чиққан.

9-синф ўқувчилари М. Солиев, Ж. Қўлдошев, Ш. Рузиев, А. Нарзуллаев, Ф. Қодировлар бу йил самбо бўйича республикада II, III ўринларни эгалладилар.

Бухородаги мактабларни айланар эканмиз, ҳар бир мактабда Бухоронинг бўлғуси бек ва бекалари борлигига амин бўлдик.

Бизни кувонтирган яна бир ҳол, Бухорода устозга бўлган муносабат ҳур-

БУХОРОНИНГ БЎЛҒУСИ БЕК ВА БЕКАЛАРИ

ЎКИ КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

рихни биласизми?», кўриктанловида вилоят босқичида ғолиб бўлганлари мактабда тарих фанининг юқори даражада ўқитилаётгани далилдир.

6-мактаб жамоаси ва ўқувчилари Ҳадиябону билан Фахрланадилар. 5-синф ўқувчиси ўзининг «Болалик боғим» номли илк китобчасини чиқаришга улғурибди. У беш ёшидаёқ шеър тўқирди. Аввалига буни пайқаманлар.

дан утмоқда. Мактаб директори Муҳиба Сатторова ва ўқитувчи Бахшанда Қобилвалар тил ўқитишда асосий эътибор ўқувчилар нутқида қаратилмоғи лозим, деб ҳисоблайдилар. Ўқувчилар дарсда матн тузадилар. Бу матнлар ижодий фикрлашга ўргатиши билан қадрлидир. Эътиборингизга айрим матнларни ҳавола этамиз.

6-«А» синф ўқувчиси Наргиза Рузимуродованинг «Она ер» матнидан парча: Биз Ер планетасида яшаймиз. Бу планета ҳажми жиҳатдан планеталар орасида 3-ўринда туради. Биз шу заминда яшаймизми, уни асрашимиз шарт. Она заминнинг гуллаб яшнашига ҳам, харобага айланишига ҳам инсон сабаб бўлади. Чунки бу заминда инсондан бошқа онгли мавжудот йўқ. Шундай экан, заминни гуллаш, уни барча офатлардан асраш биз фарзандларга боғлиқ. Инсонни камолга етказувчи она заминга ғамхўрлик — бу

зидент — Аллоҳнинг ердаги сояси. Мен Ўзбекистонни юрак кўрим билан севаман. 16 февралда ҳаётдан барвақт кетганлар оилаларига таъзиямни изҳор этаман.

Умида Жалолова, Дилфуза Очилова, Насиба Ҳожиеваларнинг иншолари ҳам кишини тўлқинлантиради. Келажгимиз шундай фиркловчи, юртни эъзозловчи қўлларда эканидан кўнглимиз хотиржам бўлади.

Шаҳардаги 35-мактабда Анатолий Цой билан суҳбатлашдик. Анатолий 5-синфда ўқийди. У билан танишиш истаги анжуман куниёқ тутилган эди. Нега дейсизми? 500 кишилик катта анжуманда корейс миллатига мансуб Анатолий ўзбек тилида жанглатиб шундай шеър ўқиди, бутун баданимиз жимирлаб кетди. Анатолий ўзбекча боғчага борган, кейинчалик ўқитишни ҳам ўзбек мактабида давом эттираяпти. Мактабда ижодкор ўқитувчилар Икром Асад ва Маффуза Эргашевалар «Шалол», ёш ижодкорлар тўғрагини ташкил этганлар. 5-синф ўқувчиси Бекмурод Ҳайдаров туюқларидан намуналар ўқиб кўринг-а!

Чироқларни тезроқ ёқ, Ёруғ бўлсин ҳамма ёқ. Эзгу ишларинг билан, Ҳар бир одамларга ёқ. Бухоро туманидаги 19-мактабга Зулфия Эргашева 26 йилдирки раҳбарлик қилдилар. Мактабда меҳнат таълими қишлоқ хўжалик ишларига ихтисослашган. 30



нинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар мактабда ташкил этилган илмий-услубий марказ, «Мулоқот», «Ўлкашунослик», «Тафаккур» клублари фаолияти, иқтидорли ўқувчилар билан танишдилар. 9-«В» синф ўқувчиси Бобур Олимов иқтидорли болалар кўриктанловининг шаҳар босқичида қатнашиб 2-ўринни, Баҳодир Ҳамроев эса шаҳар олимпиадасида кимё фанидан 1-ўринни эгаллабди.

Мактабнинг тажрибали физика ўқитувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Саиджон Муқимов дарсларда муаммоли ҳолатлар вужудга келтириб, ўқувчилар фикрлаш қоби-

Онаси Замира Очилова 62-боғчага бориб, тарбиячига, «Шунча кўп шеър ёдлатиш қизимни қийнаб қўяди-ку» деганда, тарбиячилар «Ие, бу шеърларни сиз ўргат-



лиятларини устиришга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Бугунги кунда устознинг шогирдлари кимё фанлари докторлари Бақо Умаров, Собир Вафоев, тиббиёт фанлари доктори Ҳафиза Ҳалимова, фан номзодлари Ни-

майсизми?», деб ҳайратлардилар.

Маълум бўлдики, Ҳадиябону шеърларни тўқир экан. Ҳали ўқиш, ёзишни билмайдиган шоиранинг шеърларини энди онаси ёзиб ола бошлади. Сандиқсоз уста Очиловнинг бобокалони Ҳо-



инсоннинг ўз-ўзига, онгли ҳаётга ғамхўрлигидир.

Шу синф ўқувчиси Дилдора Сатторованинг «Жажжи юрак исёни» мақоласи вазиримизни йиғлатган экан.

Қўллар муштга айланди, Ғазабга тўлди юрак.

Тонгим сен деб бошладим,

Юртим, сен менга керак.

Биз озод, тинч улка фарзандларимиз. Шу осойиталигимизга қора нигоҳ билан кўз ташлайдиган кимсалар



мат ўзгача. Бу борада улардан ибрат олсак арзийди.

Буюклар ичра буюк, суюклар ичра суюк бўлаверсин Бухоронинг бўлғуси бекалари, бекалари!

Саҳифани ГҮЛҮЗ ВАЛИЕВА тайёрлади.

Уқув йили тугаб, имтихонларни топшириб, оромгоҳлар ва сайилгоҳлар бағрига ошиқаяпмиз, эҳ, қандай мазза-я!



Ҳа, бугун мактабларда сунгги кунгироқ садолари янграмоқда. Мустақиллик байрами билан биргаликда

Ун бир йил бир мактабда, битта синфда ўқиб, худди опа-сингил, ака-укадек бўлиб қолган синфдошларни сунгги кунгироқ ҳар томонларга қалдирғоч каби учирма қилиб юбораётганини айтмайсизми? Шундай ҳаяжонли дамларда барча битирувчиларга келгуси ишларида омадлар тилайман.

Оппоқ орзулар қанотида қуш мисоли учушга шайланиб турган ака-опалар, сизларнинг ҳар бир ишингизда Аллоҳ мададкор бўлсин.

Оқ йўл, сизга «Оққуш»лар!

Севара МУСТАФОЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Шахрисабз туманидаги
Амир Темур номли 88-
гимназия
мактабининг 6-«А» синф
ўқувчиси.



Таътилда гулларни ўзим парваришлайман.

Бу дунёнинг дарди ҳам
гўзал,
Кўзларимга солади
титроқ.
Борлиқдаги энг маҳзун
ғазал,
Жаранглайди, сўнги
кўнғироқ.

Юракларга тушган
видода,
Бахтиёр тонг
нафаслари
бор.

Сен дилларни ёққан
садода,
Келажакнинг
садолари бор...

Жаранги мактабимиздан учирма бўлаётган ўқувчи ўғил-қизларга мустақил ҳаётга йўлланма беради. Бу ҳам қувончли, ҳам қайғули дамларни таърифлашга ожизман. Бизга қадрдон бўлиб қолган бу даргоҳни, устозларимизни ташлаб кетиш бизга нақадар оғир. Қанийди, тарих гилдираги орқага айлан-

байрам қилинган биринчи кунгироқ садолари қалбимизни қанчалар ларзага солиб, бизни аъло баҳоларга ўқишга чорлаган бўлса, сунгги кунгироқ

са-ю, яна уша беғубор, қувноқ биринчи синф ўқувчисига айланиб қолсам... Барча устозларимни асло ранжитмасдан, уларнинг айтганларини қилган,

БОРЛИҚДАГИ ЭНГ МАҲЗУН ҒАЗАЛ...

жаранги мактабимиздан учирма бўлаётган ўқувчи ўғил-қизларга мустақил ҳаётга йўлланма беради. Бу ҳам қувончли, ҳам қайғули дамларни таърифлашга ожизман. Бизга қадрдон бўлиб қолган бу даргоҳни, устозларимизни ташлаб кетиш бизга нақадар оғир. Қанийди, тарих гилдираги орқага айлан-

уйга вазифаларни бажармасдан «2» баҳо олмаган бўлардим. Лекин афсус, вақтни оқар сув, деб бежиз айтишмайди-да!

Сунгги кунгироқ арафасида азиз ва севимли устозларим Ёқубова Юлия Алимовна, она тили ва адабиёти ўқитувчим Зокирова Рашида Халимовналарга раҳмат дейман.

Азиз юртимизнинг битирувчи ўғил-қизлари! Мен барча-барчангизни мустақил ҳаёт сари қўяётган илк қадамингиз билан қутлайман. Битириш имтихонларини «аъло» ва «яхши» баҳоларга топшириб, мактабингиз, устозларингиз юзини ёруғ қилиб, талаба булиш бахти ҳаммангизга насиб этсин. Зеро, юртимиз келажаги бизнинг қўлимизда, ана шу ишонччи оқлайлик. Сунгги кунгироқ садолари бизларни янги муваффақиятларга илҳомлантириб турсин!

Нуржамол БЕРДАЛИЕВА,
Паркент туманидаги
35-ўрта мактаб ўқувчиси.



БУВИЖОНИМ КУЛСАЛАР...

25 май куни ўқув йилининг сунгги кунгироғи жаранглайди. Мен 3-синфни битираман. Бувижоним бундан жуда хурсанд. Мен уларнинг энг катта неваралари бўламан. Шунинг учун бўлса керак, мендан кўп яхши ишларни кутаяптилар.

25 май куни бизнинг оиламиз учун яна бир байрам нишонланади. Бувижоним — Зулфия Мусакова пайғамбар ёшига кирадилар.

Улар кўп йиллар шифокор бўлиб ишлаганлар. Ҳозир ҳам маҳалламизда, қариндош-уруғларимизда бетоблар учраб қолса, бувижонимга мурожаат қилишади. Ҳатто, кечалари ҳам уларни сўраб келишади. Бувижоним эса сира йўқ демайдилар. Уларнинг соғлиқлари бироз безовта қи-

либ турса ҳам атрофдагиларга ёрдамга шошадилар. Ҳаммага яхшилик қилишни хоҳлайдилар. Ва бизга ҳам шуни ўргатадилар.

Президентимиз бу йилни аёллар йили деб атадилар. Фурсатдан фойдаланиб, бувимни аёллар йили ҳамда табаррук ёшлари билан чин қалбимдан табриклайман. Уларга соғлиқ-саломатлик,



БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ватан, она сузини ёзишни ўргатган азиз муаллимлар она-отангдек улуг, дейди доно халқимиз. Шу азиз инсонлар билан хайрлашиш кунда кўнгилларда юксак туйғулар лиммо-лимдир.

Юнусобод туманидаги Ҳамза Умаров номли 253-ўрта мактаб ўқувчилари бу байрамга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Оналар ва Хотира, Қадрлаш кунларига уланиб келаятган сунгги кунгироқ байрамига ёзган шеърлари, аъло баҳолари ва намунали хулқлари билан етиб келган-ўқувчилар биргалашиб мактаб атрофидаги дарахт кўчатларини оқлашди. Мактаб директорининг маданий-маърифий ишлар муовини Гавҳар Намозова бошчилигида теварак-атрофни тартибга келтиришди.

**Ваҳобжон
ТОЖИЕВ.**

ҳамиша кулиб юришларини истайман. Чунки бувижоним кулсалар янаям чиройли бўлиб кетадилар. Бувижон, Сизга кулгу ярашади, дейди, Шахло,
Фотима-Зухра,
Имомжон каби невараларингиз номидан

Ёдгорбек МУСАКОВ
Тошкент шаҳар, 216-
мактаб ўқувчиси.



ВАТАН ДЕЯ УЛАГАЙГИН

Юрагимни ёқар бир соғинч,
Кўзларимни куйдирар титроқ,
Нигоҳимга солганча видо,
Жиринглайди сўнги кўнғироқ.

Овозингдан айланай сенинг
Эй болажон, қароғи осмон
Ўтаётган ҳар бир кунингнинг
Ишқи дилга тутар қаҳқашан

Сен хур бўлгин, мард бўлгин
Ўктам
Дилгинангни тўлдирсин ҳайрат.
Бахт тиларман, сингилжон,
Укам,
Ватан дея улғайгин фақат.

Юрагимни ёқар бир видо,
Нигоҳимни куйдирар титроқ,
Чертиб кўнгил жаранглари
Жирингласин сўнги кўнғироқ...

Шаҳноза РЎЗИЕВА,
Жондор туманидаги
20-ўрта мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.



ШЕЪР...

Боғда булбул сайради,
Гул-чечаклар яйради.
Қараб кўзинг тўймайди,
Ёмғир-қозон қайнади.

Кўкдан ёғар ризку-рўз,
Роса тўйди дала туз.
Осмон беғубор бўлди,
Юртимга келди Наврўз.

Қизлар тақди жамалак,
Осмон кийди камалак.
Дошқозонларда тўла —
Ҳар кун қайнар сумалак.

Келинг дўст-ёр биз томон,
Бўлинглар азиз меҳмон.

Шеърият юракда ёнаётган оташга ўхшайди. Бу оташнинг тафтини ҳар лаҳза ҳис қилганинг сайин ёзгинг келаверади. Тахририятимиз манзилгоҳига сизлардан келаятган юзлаб хатларни ўқиб ўша муаззам оташ сизнинг ҳам қалбингизга тушганидан ниҳоятда хурсанд бўлдик.

Қадрли болажонлар, кўнглингизга шеър ишқининг оташи тушибдими, демак сиз хурсиз, улғусиз, гўзал қалб эгасисиз. Бу йўлда ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб, сизнинг

«Тонг юлдузи» нгиз

Тупроғи мўъжиза — тош ҳам
гуллайди,
Осмони мусаффо — халқи
муस्ताқил.
Меваси жаннатдан пайванд
қилинган,
Эй, дунё, юртимга холис
ҳавас қил.
Баҳори беқиёс, ёзи
меҳрибон,

СЎНГИ КЎНҒИРОҚ

Яна бир ёш улғайдик,
Яқин сўнги кўнғироқ.
Уч ой мактаб бағридан
Кетамиз бизлар йироқ.

Сизнинг дошларинг
шароғи

ШЕЪР!



Соғинамиз мактабни—
Устозларни меҳрибон.
Биринчи сентябрда,
Югурамиз у томон.

Яна билим оламиз,
Ўқиймиз куйиб меҳр.
Бизларни чорлар доим,
Билим аталган сеҳр.

Мактаб, сенга хайр, хўш
Ҳозирча деб айтамыз.
Уч ойдан сўнг соғиниб
Хузурингга қайтамыз.

Баркамол ШОМУРОДОВ,
Навоий вилояти, Хатирчи
туманидаги
Тошпўлат Файзиев номли 20-
мактабнинг 10-«А» синф
ўқувчиси.

ШЕЪР?

Сизларга мезбон бўлар —
Муस्ताқил Ўзбекистон!!!

Яна баҳор қайтди Ўзбекистонга
Юртимиз айланди боғу-бўстонга.
Дунё халқларининг ҳаваси
келар —
Ер юзин жаннати — шул
гулистонга.

Кузи саҳоватли,
киши ҳам гўзал.
Унинг ҳар бир куни, бир шеър,
бир дoston
Тимсоли шавкатдир, кун-туни
гўзал.

Шундай диёр менинг
Ўзбекистоним,
Онам, отам — халқим, сенгадир
шоним.
Илмим, келажгим, бари
сеники —
Онам — Ўзбекистон — мангу сен
дўстим!!!

ВАТАНИМ-БАХТИМ, УСТОЗИМ ФАХРИМ

Мактабимизда бўлиб ўтган бошланғич синфларнинг устозлари билан хайрлашув кечаси шундай номланди. Турт йил мобайнида ўқитиб, тарбия берган муаллима опалари билан хайрлашиш болалар учун ҳам, устозлари учун ҳам кувончли ҳам ҳаяжонли бўлди. Кечага таклиф қилинган меҳмонлар болалар ижросидаги қўшиқ, шеър ва сахна кўришларини томоша қилишди. Бошланғични тамомлаётган болажонлар барча меҳмонлар олдида юқори синфга ўтганда ҳам аъло ўқишга, ҳамиша устоз уғитларини ёдда сақлашга сўз бердилар. Ўқувчиларини юқори синфга кузатаётган синф раҳбарлари Дилдора Ҳикматова, Юлдуз Абдуллаева, Хилола Ҳамидовалар аълочиларга мақтов ёрлиқлари, барча ўқувчиларга эсталик учун китобча совға қилдилар.

Мактаб директори Ниғматилла Қорабоев сўзга чиқиб, кечани ташкиллаган ўқитувчи ва ота-оналар кенгаши аъзоларига мактаб маъмурияти номидан миннатдорчилик билдириб, «мана шундай тadbирлар болалар маънавиятини тўғри шакллантиради» дея таъкидлади.

Кеча барчамизда яхши таассурот қолдирди ва бир умр зсда қоладиган бўлди.

Гулноза МАКСУДОВА,
Тошкент туманидаги,
25-таянч мактабнинг
6-синф ўқувчиси

МЕНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Хурматли «Тонг юлдузи». Менинг исмим Сарвиноз. Сени жуда севиб ўқийман. Сенга хат ёзиб, кувонч ва ҳаяжонимни бўлишгим келиб кетди. Мен

мактабга 6 ёшимда борганман. Бу ерда менга илк бор ручка ушлашни, Алифбони ҳижжалаб ўқишни ўргатган устозим Назира опа Нурматовадир.

Устоз бўла олиш, ҳақиқий инсон бўлиш қандай бахт-а. Мен устозимни юрагимга катта ҳарфлар билан ёзилгалликларини, улар билан хайрлашиб, юқори синфга кўтарилаётганимда янаям сезаяпман. Улар бизнинг қалбимизга меҳригиё бўлиб киргандеклар. Мен ҳам келажакда Назира опамлардек устоз бўлишни орзу қиламан.

Буваамларнинг айтишларича, илм чуққиларини эгаллаб, бошқаларни илм сирларидан хабардор қилганларни Аллоҳ таоло қўллаб-қувватлар ва уларнинг ҳар икки дунёсини жаннат қилар экан. Устозим 43 йилдан бери таълим соҳасида бошланғич синфларга сабоқ бериб келяптилар. Устозимдан илм урганиб кетган ака-опаларимиз ҳозирда шифокору-олим, қурувчию-муҳандис, зиёлию-бунёдкор бўлиб ватанимизга хизматдалар. Устозим Назира опадан бошқа синф раҳбарига ўтаётганимни эслаб қолсам, кўзларимдан ёш келиб, қалбим титраб кетаяпти. Бу уларнинг ҳам кўнглилари бўшлигидан, руҳлансалар кўзларига дарров ёш келишидан, бизларни кўзда ёш билан кузатаётганларидан ҳам булса керак.

«Тонг юлдузи» фурсатдан фойдаланиб, устозимни 1999 йил Аёллар йили билан табриклайман. Бизга берган меҳр-оқибат, илм-сабоқлари учун раҳмат. Биз ўқувчилари бахтига соғ бўлсинлар. Ота-оналаримиз қаторида уларга ҳам бизни камолимизни куриб юриш насиб этсин. **Устоз сизга ҳамиша таъзимдамыз.**

Сарвиноз ЁКУБОВА,
Юнусобод тумани 247-мактаб
ўқувчиси

МУАЛЛИМАМ—ОНАМ!

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов туманидаги 287-мактабнинг 4-«Б» ва 4-«Г» синф ўқувчилари «Сиздан розимиз муаллимим» мавзусида мактаб билан хайрлашув кечасини утказдилар. Саҳна кўриши орқали устоз ҳақида бахслашдилар.

«Тарихсиз келажакни билиб бўлмайди» номи ортида ўқиган китоб ва дарсликларини ҳақида маълумот бердилар. Айниқса, ўқувчилардан Шаҳноза Нигматова, Беҳзод Ёқубов, Хадича Маҳмудова, Санжар Соипов, Шаҳноза Иноятова ва бошқалар тadbирда фаол иштирок этдилар.

Кичкинтойларнинг севимли устози Доно Обидова ҳар бир ўқитувчининг меҳри тушган синфи бўлади. Менинг эса бундай синфим иккита. Қандай ютуқларга эришган бўлсам, бунда ота-оналар ва ўқувчиларимнинг ҳиссаси катта,» — дея кузида ёш билан гапирганда, унинг ўқувчиларга муҳаббати, меҳри беқиёс эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Ота-оналардан Арофат Низомова, Дилфуза Соипова, мактаб директори Дилбар Шариповалар сўзга чиқиб, меҳрибон устозларига миннатдорчилик билдирдилар.

Дарвоқе, бугун мактабда кўш тантана: сўнги кўнғироқ ва мактаб ташкил топганлигининг 10 йиллиги нишонланмоқда. Биз олисларга учиб кетаётган битирувчиларга, бошланғич синфни тугаллаган барча ўқувчиларга кўнғироқ садоси қалбингиздан асло ўчмасин, дея ният қиламыз.

гулюз.

ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ

„ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР“ СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИ:


Тафсилот, тадбирлар, яқун ва хулосалар

Аввал хабар берганимиздек, 1999 йилнинг 17 май куни “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурснинг яқунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, “Тонг юлдузи” газетаси, “Камолот” жамағармасининг “Ёшлар муаммолари” институти, республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улубек” жамағармаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари Эргаш САРИҚОВ ва Баҳодир ХАЙДАРОВлар томонидан ташкил қилинган (1998 йил сентябрь - 1999 йил май) “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурси ниҳоясига етди.

Конкурсда Республикаимизнинг ҳамма вилоят ва туманларидан, ҳатто қўшни Қирғизистон республикасида юзлаб ўқувчилар қатнашди. “Тонг юлдузи” орқали берилган топшириқларга 5000 га яқин хатлар олинди. 17 май куни Тошкент шаҳрида бўлган яқуний босқич тадбирларида эса 300 нафар “даъвогар” иштирок этди.

Сиз бугун газетамизнинг “Ёш иқтисодчи”лар учун тайёрланадиган 5-12 саҳифаларида ана шу яқуний босқич тафсилотларидан айримлари билан танишасиз.



БАРКАМОЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

17 май, 1999 йил. Эрталаб соат 9.00дан бошлаб, Тошкент вилояти ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институти биносида республикамиз вилоятлари ва қўшни республикадан келган ўқувчилар рўйхатга олинди. Яқунловчи босқичга ўтган 120 та ўқувчидан 117 нафари Тошкент шаҳрига ташриф буюриб, бош соврин учун беллашиш мақсадида тўпланишди. Қисқаси, ўз иқтидорини синаб қўриш орзусида бўлган яна 100 дан ортиқ ёш иқтисодчилар ҳам тадбирларда ҳозир бўлишди.

Соат 10.00да ўқувчилар тест ва ёзма ишдан иборат топшириқни бажаришга киришди. Икки соат давомида ўқувчилар (5-7; 8-9; 10-11-синф гуруҳларига бўлиниб) ўзларининг билимларини синовдан ўтказдилар.

Тушликдан сўнг, соат 14.00 дан бошлаб Абдулла Авлоний номидаги республика ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтида конкурсдан ташқари шоу-тадбирлар бошланди. Шоу-тадбирлар дастурига иқтисодиётга оид маърузалар назарий конференцияси, “Мен тадбиркор бўлганимда...” мавзусида бизнес-лойиҳалар ҳимояси, энг зўр реклама конкурси, “Ким ошди?” савдоси, лотерея тиражи кабилар киритилган эди.

Конкурсдан ташқари тадбирларнинг биринчи тури назарий конференция бўйича ТошДУ қошидаги гимназиянинг 9-синф ўқувчиси Шаҳзода Усмонова-нинг, Республика Нафис санъат лицейининг 10-синф ўқувчиси Нилуфар Каримованинг, Навоий вилояти, Нурота туманилик Шаҳноза Алимова ва Умид Рустамовларнинг маърузалари тингланди.

Конкурсдан ташқари тадбирларнинг иккинчиси - бизнес-лойиҳалар ҳимояси бўйича Фаргона шаҳар, 33-мактаб, 5-синф ўқувчиси Феруза Сайдалиева, Жалолобод вилояти, Сузоқ тумани “Сотволди ҳожи” мактабидан Дилдора Ибаева, Шерзод Сариковлар, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, 4-мактабдан Муҳиба Яхёнова, Сирдарё вилояти, 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Беҳзод Бектемиров каби ўқувчилар тайёрлаб келган лойиҳаларини кўп сонли ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар олдида ҳимоя қилишди. Бизнес-лойиҳалари бўйича кўпдан-кўп саволларга жавоб беришди.

Конкурсдан ташқари тадбирларнинг “Энг зўр реклама” босқичи

ичида Жасур Хайдаров, Лазиз Мингишев (Қарши шаҳри, 35-мактаб), Дилдора Шодиева ва Хулқар Хўжамова (Нурота тумани), Жўрабой Бердиев (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани 18-мактаб), Беҳзод Бектемиров (Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, 3-мактаб), Азиза Хайдарова (ТошДУ қошидаги гимназия), Абдурасул Қодиров (Тошкент шаҳри, ўзбек-турк лицейи), Марҳаб Усмонова (Пискент тумани, 5-мактаб), Робия Якубова (Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри), Моҳира Файзуллаева ва Нигора Тўйчиева (Жиззах шаҳри, 15-мактаб), Барно Кўчқорова (Тошкент шаҳри, 131-мактаб), Дурдона Назарова, Муҳиба Яхёнова (Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, 4-лицей), Дурдона Файзиева (Наманган шаҳри), Камола Ёшиева, Наргиза Мансурова (Бухоро вилояти, Вобкент тумани, 1-мактаб), Шаҳноза Алимова (Навоий вилояти, Нурота тумани, 2-мактаб), Муножат Кўчқорова (Наманган вилояти, Чортоқ тумани, 31-мактаб), Шокир Абдуллаев (Жалолобод вилояти, Сузоқ тумани, “Сотволди ҳожи” хусусий мактаби) каби ўқувчилар ўзларининг рекламаларини намойиш қилишди.

Конкурс яқунда ҳакамлар ҳайъатининг раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Нутфулла Хўжаев танлов ҳақида ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Конкурс ташкилотчиларидан бири, тадбирларнинг бош ҳомийси Эргаш Сариков ҳакамлар ҳайъати белгилаган беллашувлар голиблари номларини эълон қилди ва голибларга ўз жамғармаси ҳисобидан харид этган махсус дипломлар, совринлар ва мукофотларни топширди.

Тадбир жараёнларида эксперт-мутахассислар жойлардан келган жонқуяр ота-оналар, фидойи устоз-муаллимлар, «Зиё» клуби аъзолари ҳамда республика Телерадиокомпанияси ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ҳам иштирок этишди ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

МАРД ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, МАЙДОН ЕТАРЛИ

Ҳар қандай танловда ҳам ҳакамларга осон бўлмайди. Беллашгани чикқан томонлардан қайси бирининг устунлигини аниқлашнинг ўзи бўладими?! Зотан, баъзан аслида табиатан иқтидори кучли ўқувчи ҳам синов пайтида (гоҳи ҳатто ўқитувчи саволига жавоб қайтараётиб

ҳам) довдираб қолиб ёки ногоҳ жавобни унутиб паст баҳо олиши мумкин.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” кўрик-танловида бундан ҳам мураккаб ҳолатлар ҳам бўлди: жавобларининг 75 фоизи тўғри деб топилиб, сўнгги беллашувларга таклиф қилинган ўқувчилар сафида таклиф қилинмаган, лекин вақти-вақти билан таҳририятга жавоб мактублари йўллаганлар ҳам, конкурсдан кеч хабар топиб иқтидорини синашга аҳд қилган “меҳмон”лар ҳам бор эди. Бундай ҳолат аввал ҳакамларни бироз шоштириб қўйган бўлса-да, кураш - ўз номи билан кураш. Бел боғлаб келганни майдондан четлатиш таомилга ўт тугди!

Хуллас, бу бағрикенглик конкурсдан ташқари ташкил этилган тадбирларда ўз самарасини берди. Шоу-тадбирларда конкурс қатнашчилари ҳам, меҳмонлар ҳам тенг имтиёзда иштирок этишди.

БИЛИМ - ЧЕГАРА БИЛ-МАС

Изланувчан одам ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг ақл-заковати камолоти учун имкониятлар қидириб топади. Комил инсон бўлиб етишишни орзу қилган ёшлар маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган кадрли нарсаларни, маълумотлар, ахборотлар ва билим гавҳарларини териш мумкин бўлган ҳар бир манабани эътибордан четда қолдирмайди.

Қўшни Қирғизистон республикасининг Жалолобод вилояти Сузоқ туманидаги “Сотволди ҳожи” номли хусусий мактаб ўқувчилари ана шундай қизиқшлари кенг, билимга чанқоқ, изланувчан, иқтисодий билимлари теран, мақсадига фидойи ёшлар экан. Улар “Тонг юлдузи”-да “Иқтисодиётдан сабоқлар”-нинг биринчи дarsi чиққан ҳафтадаёқ бир муаллимлари орқали таҳририятимизга оз эмас, кўп эмас, 60 та (!) жавоб мактублари дастасини етказишди.

Ўқув йили давомида бу зукко ўқувчилардан келган жавоб мактубларининг ўзи бир жавоб бўлди. Мактубларнинг ҳар биридаги жавоблар моҳияти бир хил бўлса-да, ифода усули, келтирилган ҳаётий мисоллари билан бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Қисқаси, сиртқи топшириқларни бу 60 ўқувчининг ҳаммаси аъло даражада бажарди.

Бозор иқтисодиёти шароити ва 2 республика орасидаги масофани ҳисобга олиб, конкурс

ҳайъати танловнинг яқуний босқичига “Сотволди Ҳожи” болаларидан фақат айрим вакиллари таклиф этган эди. Йўқ, интилувчан мактаб жамоаси ҳомий тадбиркор кўмагида 31 ўқувчини Тошкентга - ҳал қилувчи беллашувларга олиб келди.

Бу ўқувчилар гуруҳи аъзолари ёзма иш ва тест саволларига ҳам жуда аниқ, пишиқ-пухта жавоб беришди.

Нима қилиш керак? Танлов муассислари ва ҳакамлар ҳайъати “Сотволди Ҳожи” хусусий мактаби ўқувчилар жамоасини танловда алоҳида - “Қирғизистон” жамоаси сифатида қайд этишга қарор қилди. Шундай қилиб, конкурсимиз халқаро даражага кўтарилди ва 2 қанотда беллашув - Ўзбекистон ёш иқтисодчилари билан Қирғизистон ёш иқтисодчилари доираларида бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ ҲОМИЙСИ - ИҚТИСОДЧИ ОЛИМ ЭРГАШ АКА САРИҚОВ ҚУТИЧАГА СОЛИНГАН БИР СИРЛИ ЁЗУВНИ КИМОШДИ САВДОСИГА ҚЎЙДИЛАР

Бу сирли ёзув ўқувчилардан бири қўйган энг юқори нарх - 4200 сўмга сотилди (кимошди савдосида одатда харидор сармоядорнинг исм-шарифи сир сақланиши боис, биз ҳам танловга олисдан келиб, чўнтагида яна шунча пули бор ўқувчи номини ёзмаликни маълум қўрдик). Ёзувда савдога қўйилган буюм телевизор экани маълум бўлди. Шундай қилиб, “энг бой”, хотамтой яна бир ёш иқтисодчи ота-онаси ҳузурига телевизор олиб қайтди.

ОЛДИНДА - ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР БОР

Сирасини айтганда, кўрик-танловда қатнашган барча-барча энг бебаҳо ютуққа эга бўлишди. Яъни, улар бой таассуротлар, изланиш, яратиш, билимга иштиёқмандлик туйғуларини билан зарядланишди. Интилганга толе ёр эканига гувоҳ бўлишди. Соврин олмаган иштирокчилар “йиқилган курашга тўймас” қабилда йўл тутиб, пойтахтдан иқтисодиётга оид янги-янги қўлланмалар, китоблар олиб кетишди. Улар иқтисодий билимларини янада чуқурлаштириб, келгуси ўқув йилида - шу йилнинг сентябрь ойидан бошланадиган янги конкурсда голиблик шохсупасини забт этишни дилга тугиб қўйдилар.



ТАЪБИРЛАЙМИЗ ВА ЯНГИ ОМАДЛАР ТИЛАЙМИЗ!



ШОҲСУПАГА

КЎТАРИЛГАН ҒОЛИБЛАР

"Тонг юдузи"нинг "Ёш иқтисодчи" саҳифаларида 9 ой (1998 йил сентябрь-1999 йил апрель) давомида бериб борилган конкурс топшириқларига йўлаган мактабларида

а) топшириқларнинг 75 фоизи тўғри ёритилгани;

б) жавоблар матнлари ифодали, саводли, хусниҳат билан ёзилгани;

в) жавобларда мустақил фикр-мулоҳазалар, ўзи ўйлаб топган мисоллар билан далиллангани;

г) жавоб мактабларини таҳририятга ўз вақтида ва мунтазам равишда йўлаб тургани учун конкурснинг сўнги босқичига таклиф этилган 120 нафар ўқувчининг 117 нафари пойтахтга ташриф буюрдилар.

Улар танлов лойиҳаси муаллифлари ва конкурс ташкилий кенгаши тайёрлаб тасдиқлаган мавзулар бўйича ёзма иш ёздилар ва ёзма равишда тест саволларига жавоб қайтардилар.

Бу уч турдаги беллашувларда

Биринчи ўрин Афзал Валихонов (Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги ўзбек-турк лицейининг 11-синф ўқувчиси)га - телевизор;

Иккинчи ўрин Одил Жуманазаров (Навоий вилояти, Нурота туманидаги 20-мактабнинг 7-синф ўқувчиси)га - магнитофон;

Учинчи ўрин Бехзод Бектемиров (Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси), **Илҳом Холлов** (Бухоро вилояти, Жондор туманидаги мактаб-интернатнинг 7-синф ўқувчиси), **Тўлқин Раҳимов** (Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги иқтисодиёт гимназияси ўқувчиси), **Шухрат Қодиров** (Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси), **Феруза Сайдали-**

ева (Фарғона шаҳридаги 33-мактабнинг 5-синф ўқувчиси), **Дилдора Шодиева** (Навоий вилояти, Нурота туманидаги 2-мактабнинг 6-синф ўқувчиси), **Гулноза Тўйчибоева** (Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 4-мактаб ўқувчиси), **Шавкат Жумаев** (Навоий шаҳридаги 11-мактабнинг 6-синф ўқувчиси), **Насиба Қодирова** (Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 2-мактабнинг 7-синф ўқувчиси), **Умид Рустамов** (Навоий вилояти, Нурота шаҳридаги 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси)га насиб этди ва уларнинг ҳар бири аудиоплеер билан мукофотланди.

ЮЛДУЗЛАРГА БОЙ КАҲҚАШОНЛАР

Кўрик-танлов бўйича берилган топшириқлар жавобларини йўлашда, танловнинг сўнги босқичидаги шартлар ва топшириқларни бажаришда, конкурсдан ташқари бўлган тадбирларда кўп ўқувчилари фаол иштирок этгани учун

1. Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги гимназия;

2. Тошкент Молия институти қошидаги Солиқ лицейи;

3. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидаги 4-лицей жамоалари "Махсус диплом"лар ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

ОЛИЙ СОВРИН СОҲИБЛАРИ

Сентябрь-май ойлари давомида "Тонг юдузи"да эълон қилинган топшириқларга тўғри жавоб қайтаришгани, якуновчи босқичда аъло натижалар кўп бўлган учун ҳакамлар ҳайъати ва бош ҳомий иқтисодчи - олим Эргаш Сариков қарори билан қўшимча-олий соврин таъсис этилди. "Сотволди хожи" хусусий

мактаби ўқувчилари жамоаси компьютер билан мукофотланди.

КОНКУРСДАН ТАШҚАРИ ИМТИҲОН БЎЛДИ - МИСЛИ ЮЛДУЗЛАРГА БОЙ ОСМОН БЎЛДИ

Ўқувчиларнинг иқтисодиёт сабоқларидан олган билимларини ҳаётга мустақил татбиқ эта билиш салоҳиятини, назарий билимдан олган кўникмаларини синаш мақсадида конкурсдан ташқари тадбирлар ҳам белгиланган эди. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган иқтисодиётга оид маърузалар, "Мен тадбиркор бўлганимда" деб номланган бизнес-режа лойиҳалари ҳимояси, энг зўр реклама конкурси, кичик телевизион интервьюлар, фирмалар ёрлиқлари, иқтисодиётга оид альбомларни ҳам кўпчилик эътиборига ҳавола этдилар.

Энг қизиқарли, мазмунли ва кўрам ишланмалар қатнашчилар ва ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидагича тақдирланди:

1. Назарий конференцияда ўқиган маърузалар орасида "Энг яхши маъруза"си учун **Нилуфар Каримова** (Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи иқтисодиёт бўлимининг 10-синф ўқувчиси) магнитофон билан,

2. "Энг яхши реклама" конкурсида **Жўрабой Бердиев** (Қизилтепа туманидаги 18-мактабнинг 7-синф ўқувчиси), **Муножот Қўчқорова** (Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси) ҳамда **Дилдора Шодиева** (Навоий вилояти, Нурота туманидаги 2-мактаб ўқувчиси)нинг ҳар бири магнитофон билан тақдирландилар.

3. "Энг яхши безалган маъруза мат-

ни" учун **Умид Рустамов** (Нурота шаҳридаги 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси) ҳам магнитофон билан мукофотланди.

4. **Нигора Тўйчиева** билан **Моҳира Файзуллаева** ҳам (Жиззах шаҳридаги 15-мактабнинг 9-синф ўқувчилари) тайёрлаган режалари учун махсус соврин - магнитофон совға олдилар.

5. **Бехзод Бектемиров** (Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси)нинг бизнес-лойиҳаси энг яхши бизнес лойиҳа деб топилди ва **Бехзод** ҳам магнитофон билан мукофотланди.

Конкурснинг энг ёш қатнашчилари **Бобир Мирзаев** ва **Алишер Исомиддинов**лар конкурснинг махсус совринлар - ўқувчилар сумкаси билан тақдирландилар.


Конкурс энг ёрқин оригинал чиқишлар **Шаҳноза Сарикова** ва **Феруза Сайдалиеваларнинг** бадий чиқишлари деб топилди ва уларнинг ҳар бирлари бир кассетали магнитофон билан тақдирландилар.

"Зиё" клубининг маликаси деб **Барно Қўчқорова** ва **Шаҳноза Алимовалар** топилди ҳамда ҳар иккаласига ҳам гулдон тақдим қилинди.

Энг яхши устоз мақоми конкурсга энг кўп ўқувчилари билан қатнашган **Навоий вилояти ўқитувчиларига** берилди ва улардан бирига соат тақдим қилинди.

Хоразмдан келган қатнашчи **Ҳожибой Якубов** энг узоқдан келган қатнашчи бўлиб, у ҳам махсус соврин - соат билан тақдирланди.

Битта оиладан энг кўп бўлиб вакил қатнашганлар - опа-ука **Сайдалиевалар**, **Муножот** ва **Мадина Қўчқоровалар**, **Сурайё** ва **Шавкат Жумаевлар** топилдилар ва уларга баскетбол тўғриси совға қилинди.



САБОҚ БЕРИШ САОДАТИ

Ўша куни, яъни 17 майда сабоқлар сеҳри синаладиган соатларда мазкур танлов лойиҳаси муаллифлари бўлмиш Баҳодир ака Ҳайдаров билан Эргаш ака Сариковлар бир оз шошиб қолишди. Чунки бу ташкилотчи мураббийлар бошлаётган "Иқтисодиётдан сабоқлар"и ўқувчиларни ўзига шунчалик жалб этишини, уларни иқтисодиёт оламига олиб кириб кетиши, ҳатто сеҳрлаб қўйишга қодир эканини ҳаёлга келтиришмаган эди.

Тўғри, бу икки ҳамкасб, бу икки ҳамкор республикамиз мактабларида болаларга мураккаб иқтисодиётнинг қайси қирралари қачондан қандай ўргатиш самарали бўлиши борасида анча вақтдан бери ҳамфикр эдилар. Республикамизнинг турли ҳудудларида турлича муҳитда ўсиб-ўқиётган, фикрлаш, ўзлаштириш ва мушоҳада қобилиятлари ҳам бир-биридан фарқ қилувчи болаларга иқтисодиёт билимларини соддалаштириб, жўнлаштириб, мағзини қақиб тақдим этиш керакми ёки кишилик жамияти ҳаётининг асоси бўлмиш иқтисодий қонуниятларни борича, ўз ҳолича кўрсатган, болалар тафаккурининг илк нигоҳидаёқ иқтисодиётнинг тилсимли олами қатқатларига рўбарў қилган маъқулми, деган савол ечимини топишда бу икки устоз бир хил тўхтамга келган эдилар. Мана шу ҳамфикрлик бу ҳамкасбларни илмий-услубий ҳамкорликка ундади. Улар биргаликда Ўзбекистон умумтаълим мактабларида, лицей ва коллежларида иқтисодий билим бериш меъёри ва услубларини ишлаб чиқишди.

Бу ишланмалар республика Таълим Марказининг илмий-услубий кенгаши муҳокамасига тақдим қилинди. Кенгаш аъзоларининг талаб ва таклифлари асосида қайта ишланиб мукамаллаштирилди. Ниҳоят, тасдиқланиб, нашрга тавсия этилди. Муаллифларнинг мазкур йўналишидаги ўқув-услубий қўлланмалари сони ҳозирча ўттиздан зиёд бўлди. Жумладан, умумтаълим мактабларининг 5, 6, 7-синфларининг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида "Иқтисодиёт сабоқлари" ўқув қўлланмалари; шу синфлар учун "Иқтисодиёт сабоқлари" иш дафтарлари ва ана шу синфлар ўқитувчилари учун "Иқтисодиёт сабоқлари" услубий кўрсатмалари тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

Мактабларнинг 8- ва 9-синфлари учун ҳам "Иқтисодий билим асослари" ўқув қўлланмалари Таълим Марказининг илмий-услубий Кенгаши муҳокамасидан ўтказилиб, нашрга тайёрланмоқда.

Тиниб-тинчимас мураббий Э.Сариковнинг ўзи эса мактабларнинг 8-9-синфлари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун "Иқтисодий билим асослари" кўргазмалари альбомлари, яна шу фан бўйича тестлар тўпламлари, луғат-маълумотнома, тест синови компьютер дастури, аналоглар компьютер дастури, компьютер дастурларидан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар қўлланмаларини ёзиб, таълим аҳли эътиборига ҳавола этмоқда. Бу қўлланмалар ҳам барча расмий имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, айни кунларда чоп этилиш арафасида.

Иқтисодиётни математикасиз, математикани иқтисодий билимларсиз тасаввур қилиш мумкинми? Уларни биргаликда ўзлаштиришингиз осон бўлиши учун устоз Э.Сариков билан Б.Ҳайдаров яна сизга ёрдамга шай. Улар ҳамкорликда ёзган 5-7 ва 8-9-синфлар учун "Иқтисодиётда математика" (математика дарсларида иқтисодиёт элементлари) қўлланмалари ўқувчиларнинг ҳар икки фанни чуқур ўзлаштиришларида ўзига хос компас вазифасини ўташи шубҳасиз.

Юқорида номлари айтиб ўтилган янги ўқув қўлланмалари яқин орада республика-

миз ҳудуди бўйлаб кенг тарқалиб, жойларда иқтисодиётдан дарс бераётган муаллифларнинг таянч манбасига айланиб қолса, ажабмас. Тўғри, мазкур асарларда берилган иқтисодий билимлар теран ва мураккаб иқтисод олаמידан бир элчи, яъни денгиздан томчи, тўғрироғи ўзида қуёшни акс эттирган биллур қатралардир. Ана шу қатраларни ўқувчиларга қандай кўрсата билиш, маҳорати, унда акс этган қуёш жозибасини жилвалантира билиш санъати, албатта, жойлардаги жонқуяр муаллимларга, уларнинг билим ва маҳоратларига боғлиқ.

Аммо...

Мустақиллик шарофати билан жорий этилаётган Таълим ҳақидаги қонун талабларига, илғор замонавий андозаларга мос мазмун ва шаклда берилажак иқтисодий билимларни куни кеча "пул" сўзини айтишга ийманган, сотувчидан қайтимини сўрашни ўзига ор деб билган, атрофдагилардан чўчибми, ё андиша қилибми ҳалол ишлаб сармоясини сарфлашга ҳам юраги дов бермайдиган кечаги авлод - ота-оналардан таълим олган болаларнинг руҳияти иқтисодга янгича қарашни ҳазм қила олармикан, деган ҳавотир ҳам йўқ эмас. Кўпчилик социологлар қатори иқтисодчи, мураббий ва муаллифлар Э.Сариков билан Б.Ҳайдаровлар ҳам таълимдаги ана шундай янги босқичга ўтиш жараёнини юрак ютиб кузатаётирлар.

Худди мана шунинг учун ҳам "Тонг юлдузи" мизда тўққиз ой давомида нурланган, 17 май куни натижаси ярқ этиб кўринган "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртки мактаб конкурси республика Халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази, Абдулла Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти мутахассислари ва мутасаддилар учун, конкурс ташкилотчилари ҳамда конкурс лойиҳасининг муаллифлари Э.Сариков билан Б.Ҳайдаровлар учун орзу қилинганидан ҳам юксак натижалар берди.

Ўқувчилар "Тонг юлдузи" газетаси саҳифаларида берилган билим матнларини ўқиб, тушуниб, унинг ёнида қайд этилган топшириқларни шу қадар аниқ, тиниқ ва теран англаганлари одамни ҳайратга солмай қўймайди. Юракда "Фарзандларинг нақадар доно, қанчалар иқтидорли-я, она юртим! Улар эртаги Ўзбекистонни, республикамиз иқтисодиётини жуда юксакларга кўтаришга қодир!" деб ҳайқиргинг келади!

Ҳа, азиз ўқувчилар!

Шундоқ, муҳтарам муаллимлар!


Газетамиз орқали нурдек таралган "Иқтисодиётдан сабоқлар" танлови жараёни ана шундай улкан ҳақиқа хазинасига калит бўлди.

Баракалла, зукко ёш иқтисодчилар! Сизлар ҳакамлар ҳайъати олдидоғина эмас, балки Ватан олдида, ҳукуратимиз олдида, халқимиз олдида ўзингизни кашф этдингиз. Нималарга қодир эканлигингизни, янги даврга мос, юксак даражага кўтарилишга, мамлакат иқтисодиётини бошқаришга қодир баркамол авлод бўлиб етишаётганингизни яна бир қарра намоён этдингиз.

Меҳрибон ота-оналарингиз, фидойи муаллим-устозларингиз, республика, вилоят, туман халқ таълими мутасаддилари ҳам сиздаги бор иқтидорни, билим ва салоҳиятни юзага чиқариш йўлида билимининг, вақтининг, маблағининг аямаслиги ҳам аён бўлди.

Ахир улар сизлар ёзган жавоблар мактабларини даста-дасталаб Тошкентга - бизга келтириб беришдан, сизларни якуний босқич беллашувларига юбориш, олиб келишдан баҳс ва мунозараларда даврангизда ўтириб ақлингиздаги ҳайратга тушиб ғурурландилар. Келажакда ана шу ишончга, фаҳрга муносиб бўлиб қолинг. Шундай бўлишига мен ишонаман.

Музаффар ПИРМАТОВ,
танлов ҳайъати аъзоси.



"Иқтисодиётдан сабоқлар" конкурси якунлари муносабати билан "Иқтисодий билимлар асослари" фани бўйича муаллифлар Э.САРИҚОВ ва Б.ҲАЙДАРОВларнинг нашрга тайёрлаётган янги дастурлар ва қўлланмаларни янада мукамаллаштириш учун зарур маълумотлар СЎРОВНОМАСИ

I. Ўзингиз ҳақингизда

1. Фамилиянгиз ва исмингиз _____
2. Иш жойингиз _____ вилоят _____ тумани _____ шаҳар ёки (қишлоғи) _____ мактаб _____
3. Ёшингиз _____
4. Педагогик тажрибангиз _____
5. Маълумотингиз _____
6. Асосий иқтисосингиз (диплом бўйича) _____
7. Иқтисодиёт фани дарсини ўқита бошлаган вақтингиз _____
8. Алоқа учун адресингиз _____ телефонингиз _____

II. Мактабингиз ҳақида

1. Мактабингиз _____ йиллик; 2. Иқтисодиёт фани: 1 - синфда _____ соат; 2 - синфда _____ соат; 3 - синфда _____ соат; 4 - синфда _____ соат; 5 - синфда _____ соат; 6 - синфда _____ соат; 7 - синфда _____ соат; 8 - синфда _____ соат; 9 - синфда _____ соат; 10 - синфда _____ соат; 11 - синфда _____ соат ҳажмида киритилган.
2. Мактабингизнинг техник воситалар билан таъминланлиги _____

(компьютер, кодоскоп, диапроектор ва ҳоказолар)

III. Ўқув қўлланмаси ҳақида

1. Мактабингизда иқтисодиёт фани бўйича фойдаланадиган ўқув қўлланмалари: _____

2. "Иқтисодиёт ва бизнес асослари" китобларининг мактаб кутубхонасидаги сони ва таъминланганлик даражаси (фоизи).

- а) Ўқув қўлланма _____ та
- б) Амалий машғулотлар _____ та
- в) Услубий кўрсатмалар _____ та
- г) Дастур _____ та

3. Кўргазмалар куруллар (плакатлар, макетлар ва бошқалар) билан таъминланганлик _____

4. Компьютер дастурлари (иқтисодиёт фани бўйича) мавжудлиги _____ (бор, йўқ)

IV. Сизнинг бизни кизиқтирувчи фикрларингиз

1. Иқтисодиёт фанини нечанчи синфдан киритилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлайсиз? 1-; 2-; 3-; 4-; 5-; 6-; 7-; 8-синфдан (кераклисизнинг тагига чизинг).

2. Ўзингиз ва мактабингиз шу синфдан ўқитишни бошлашга тайёрми? _____ (ха, йўқ)

3. Қандай камчиликлар бор? _____

4. "Иқтисодий билимлар асослари" фани китоблари бўйича сизнинг фикрларингиз:

а) Китобларнинг сизга ёққан томонлари _____

б) Китобларнинг сизга ёқмаган томонлари _____

в) Ўқув қўлланмаларида биз нималарга кўпроқ эътибор беришимиз керак деб ўйлайсиз? _____

г) Қўшимча фикр ва мулоҳазаларингиз _____

(масалан, қандай кўргазмалар куруллар тайёрланишини истардингиз? Тестлар тўплами алоҳида чиқиши зарурми? Мактаблар учун иқтисодий луғатлар чиқиши керакми? Иқтисодий маълумотномалар зарурми? Яна қандай китоблардан ёки қўлланмалар тайёрланса сизга маъқул бўлар эди?)

" " _____ 1999й. _____ имзонингиз _____

Анкетани тўлғазиш ихтиёрингиз, хоҳламаган маълумотларингизни киритманг.
Эътиборингиз учун миннатдоримиз!

Муаллифлар

Манзил: 700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 2-уй, Музаффар ПИРМАТОВга.

Танловга тақдим этилган маъруза

Мамлакатда мулкдорлар синфини таркиб топтириш иқтисоддаги бош вазибалардан биридир...

И.А.КАРИМОВ



МУСТАҚИЛЛИКДАН СЎНГ ИҚТИСОДИЁТДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

СОБИҚ СОВЕТ ДАВРИДА ИҚТИСОДИЁТ

Собиқ совет даврида тақсимот маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган эди. Иқтисодиётга ортиқча сиёсий тус берилар, уни мафкура, партиялар ва ҳаракатларнинг манфаатларига бўйсундурар эди. Тайёр маҳсулотлар четдан олиб келинар эди. Республикамиз иқтисодиёти пахта яккахокимлиги асосида юридилар эди. Жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон ҳазинасига тушмасди. Умумий қилиб айтганда, иқтисодиёт мустамлакачиликни мустаҳкамлашга хизмат қиларди ва тушкун аҳволга тушиб қолаётган эди.

БУГУНГИ КУНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

Бунинг учун мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Кўпқулдлик иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак. Яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25% га етказишга эришмоғимиз зарур. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор. Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур.

ИҚТИСОДИЁТДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг бозор муносабатларига ўтиш модели ишлаб чиқилди. Бу модель жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш ҳамда ўзгартиришнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган энг яхши жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган. Бу модел асосида кўплаб ютуқларга эришилди. Маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илгор технология баъзаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдирдик. Истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик. Бу сиёсат ўз самарасини бермоқда. Қайта хўжайинлик ҳисси тикланди. Жамиятда ўрта мулкдорлар синфи шаклланди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шартлари амалга оширилмоқда. 100000 дан ортиқ хусусий ва кичик корхоналар, 19500 дан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Миллий валюта мустаҳкамланди. Иқтисодиёт мустаҳкам қонунчилик ва норматив базага асосланмоқда.

ХУЛОСА

Иқтисодиётимизда катта бурилиш содир бўлди.

Шаҳзода УСМОНОВА,
ТошДУ қошидаги
гимназиянинг
9-синф ўқувчиси.

Танловга тақдим этилган бизнес-лойиҳа

МЕН ТАДБИРКОР БЎЛСАМ...

Бой бўлиш, бадавлат бўлиш гуноҳ иш эмас. Мен шахсий мустақиллик фойда олишдаги чекланмаган имкониятлар ва ўзи учун қулай вақтда ҳақиқатан ҳам яхши кўрган иш билан шуғулланиши мумкинлиги - булар одамларни бизнесга интилишига ундовчи сабабларнинг бир қисми, холос деб биламан.

Оиланинг энг кенжасиман. Шунинг учун ҳам оилада тегишли имтиёзга эгаман.

Оиламизда ҳозирча икки нафар, яъни отам ва онам ишлайди. Энг тўнғич опам ва акам эса талаба бўлганлигидан давлатдан стипендия оладилар. Лекин бу оиланинг даромади барчамизнинг эҳтиёжimiz учун етмайди. Қишлоқ жойда яшаганимиз учун ҳовлимизда 0.13 гектар ер томорқамиз бор. Ўтган йили 0.06 гектарга картошка, 0.02 гектарга қалампир ва 0.05 гектарга эса помидор экдик. Картошқадан сўнг кузги макка экилди. Оиламиз билан шу томорқамиздан олинган 350 кг. маккажўхори донини "Фарғона ҳақиқати" газетасида чиққан Фарғона паррандачилик фабрикасида ҳар 10 кг. маккажўхори дониға 1 дон тухум қиладиган товуқ алмашаётгани ҳақидаги эълонни ўқидим ва акам Сарвар билан келишиб отамга уйдаги маккажўхори дониға товуқ алмаштириб беришини илтимос қилдик. Шу билан 1998 йилнинг ноябрь ойининг 10-куни 350 кг. донга 35 та товуқ олдик.

"Товуқ етти хазинанинг бири" деб бежиз айтмаган экан. Сарвар иккаламиз ишга ярамайдиган турли ёғоч ва томорқа этагидаги эски сим тўрдан товуқхона қурдик.

Товуқни боқиш учун уйдаги овқатларни қолдигини майдалаб бердик. Қишлоқ зовурларидан зах ўт олиб боқдик.

Товуқлар ҳар куни 26 тадан 32 тагача тухум қиладиган бўлди. Маҳалладагилар ҳар куни бизнинг уйга тухум сотиб олгани келадиган бўлишди. Тухумнинг бир донасини аввал 15 сўмдан, кейин эса 18 сўмдан сотдик. Бозорда эса тухум 20 сўм эди.

Тухумларни қишлоқнинг ўзида сотдик, ўзимиз ҳам истеъмол қилдик. Хуллас, бу бизнинг оилага салмоқли фойда берди. Бу йил товуқлар сонини ҳеч бўлмаса 70-100 тага етказамиз, шунинг учун томорқани бир четига яна маккажўхори экдик.

Оиладаги кичик товуқ фермамизнинг даромад, харажат, фойдаси қуйидагича бўлди:

...Тадбиркор - бу ишлаб чиқариш ва тижоратнинг барча зарур омилларидан бойлик яратиш учун фойдаланадиган одамдир.
Э.САРИҚОВ, М.МАМАТОВ.

Жами харажат оила томорқасидан чиққан 350 кг дон.

Фойда ҳар куни ўртача 29 дондан тухум; $29 * 15 = 435$ сўм.

1998 йил ноябрь ойида - $435 * 21$ кун = 9105 сўм.

1998 йил декабрь ойида - $435 * 31$ кун = 13485 сўм.

1999 йил январь ойида - 1 дон тухум 18 сўмдан ўртача 29 дондан ($29 * 31$) * 18 сўм = $899 * 18 = 16182$ сўм.

1999 йил февраль ойида $812 * 18$ сўм = 14616 сўм.

Март ойида $899 * 18 = 16182$ сўм.

Апрель ойида ўртача тухум 20 дондан ($30 * 20$) * 18 = $600 * 18 = 10800$ сўм.

Бозорда товуқнинг донаси 450 - 500 сўм бўлганидан товуқларни яшартириш мақсадида ҳаммасини сотдик, 16225 сўм даромад.

Энди таътил даврида маккажўхорини парваришлаб яна товуқ оламиз.

Шу товуқлардан жами даромад:

ноябрь ойида 9105 сўм

декабрь ойида 13485 сўм

январь ойида 16182 сўм

февраль ойида 14616 сўм

март ойида 16182 сўм

апрель ойида 10800 сўм

80370 сўм

Май ойида товуқлар сотилди 16225 сўмга

Жами даромад 96595 сўм.

Агар 1998 йилнинг ноябрь ойида маккани бозорда сотилганида ўша даврда 16-18 сўм эди, 3950 сўм пул бўлар эди, холос. (1-жадвалга қаранг.)

Демак, ҳар бир товуқдан 2537 сўм даромад қилиш мумкин экан. Бу даромад оиламиз бюджетига салмоқли ҳисса кўшди. Бу йил ҳам шу ишни давом эттириб, товуқлар сонини 2 марта орттирамиз.

Давлатдан пул қарз олгандан кўра оиладаги имкониятдан фойдаланиш қулайроқдир.

Мен агар тадбиркор бўлсам, ўзимнинг фермер-хўжалигимни очиб (имконияти борича кўп тармоқли) республикамиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ўз ҳиссамни қўшган бўлар эдим. Ҳозирги қилаётган ишларим эса қелажакда менга анча тажриба бўлади, деган умиддаман.

Худо хоҳласа, ўз билимларимни чет элларда бойитиб келиш ниятим ҳам йўқ эмас.

(1-жадвал)

| Бизнинг кичик товуқчилик фермамизнинг даромад, харажат, фойда баланси 1998 йил ноябрь - 1999 йил май | | | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|
| N | Даромад сўм | Харажат сўм | Фойда сўм |
| 1 | - | Товуқ олиш учун 350 кг макка дони 3950 сўм | - |
| 2 | 9105 сўм | Товуқни эмлатиш учун ҳар бир товуққа 10 сўмдан 350 сўм нақд пул | 8755 сўм |
| 3 | 13485 сўм | Оҳақ, шишанинг синиги ва кўмир майдаси учун 300 сўм | 13185 сўм |
| 4 | 16182 сўм | Комбикорма 108.5 кг 7 сўмдан 756 сўм | 15416 сўм |
| 5 | 14616 сўм | Комбикорма 94 кг 7 сўмдан 658 сўм | 13908 сўм |
| 6 | 16182 сўм | Комбикорма 108.5 кг 7 сўмдан 756 сўм | 15416 сўм |
| 7 | 10800 сўм | Комбикорма 93 кг 7 сўмдан 651 сўм | 10149 сўм |
| 8 | Товуқ сотилди 16225 сўм Жами даромад 96595 сўм | Жами харажат 7820 сўм | 16225 сўм Жами фойда 88755 сўм |

Тўлқинжон РАҲИМОВ,
Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги
Иқтисодий гимназиянинг 5-синф ўқувчиси.

Танловга тақдим этилган маъруза



XXI АСРДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ

Кишилик жамияти XXI асрга қадам қўймоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳам.

Хўш, кириб келаётган бу янги асрда Ўзбекистоннинг иқтисодиёти қандай бўлади? Халқимизнинг кундан-кунга ўсиб бораётган турли эҳтиёжларидан қайси бирларини биринчи навбатда қондириш керак? Бунинг учун иқтисодиётимизни қандай усулда шакллантириш ва бошқариш талаб этилади?

Бу каби саволлар агар биз чиндан ҳам келгусида иқтисод-

чи бўлиш орзусида изланаётган бўлсак, ҳар биримиз ўйлаб кўришимиз, тафаккур қилишимиз, тадқиқотлар олиб боришимиз зарур бўлган энг муҳим саволлар деб биламан.

Мен ҳам ана шу муаммо ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Аввало, биз, мамлакатимиз, халқимиз эҳтиёжлари орасидан энг муҳимларини тўғри танлай олишимиз керак. Инсон озиқ-овқатсиз, кийим-кечаксиз яшashi мумкин эмас. Демак, бирин-

чи навбатда биз озиқ-овқат маҳсулотларининг тўкин-сочинлигини, жумладан, нон ва ёғ маҳсулотларини кўпайтириш устида бош қотиришимиз зарур. Бу борада катта ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, мамлакатимизнинг дон мустақиллигига эришдик. Лекин кўшни давлатлардаги иқтисодий қийинчиликлар бизга ҳам ўз таъсирини ўтказяпти.

Қишлоқ хўжалигида ислохотлар самарадорлиги паст. Давлат хўжаликлари жамоа хўжаликлари, пудратчи оилаларга, фер-

мерларга берилляпти. Бироқ амалда уларнинг натижалари жуда секинлик билан юзага чиқяпти. Фермерлар турли тўсиқларга дуч келяпти. Уларга банклар, Бизнес фонд орқали берилладиган кредитларни янада кўпайтириш керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистон боғларида, полизларида етиштирилган мева-сабзавотларнинг қанчалик витаминларга бой эканлигини яхши биламиз. Лекин ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни чиroyли ва ихчам қадоқлашга етарли эътибор берилмаяпти. Маҳсулотнинг харидорлиги унинг қадоқланишига ҳам боғлиқлигини биргина мисолда кўриш мумкин. Илгари салқин ичимлик деганда биз фақат лимонадни, газли сувларни тушунардик. "Кока-кола" компанияси билан ҳамкорликда кўшма корхона очилди. Унинг маҳсулотлари бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятларида севиб харид қилиняпти.

Демак, чет элдаги фирмалар, компаниялар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар очишни янада ривожлантириш керак. Албатта, бунда ҳам халқимизнинг ўзига хос эҳтиёжларини эътиборга олишимиз шарт.

Иккинчидан, чет элдан энг замонавий техника ва технологияларни олиб келиб, корхоналаримизга тезроқ ўрнатишимиз зарур. Лекин бунда ҳам жуда хушёрлик билан иш кўриш керак. Хорижлик шериклар ҳақиқатан ҳам бизга замонавий техникани

сотяпими ёки бундан 5-10 йил олдин ўз умрини ўтаган техниканими?

Албатта, буни фарқлай олиш учун хорижлик билан тенгма-тенг музокара юрита олиш учун, қолаверса, олиб келинган техникани бошқариш учун замонавий билимга, жаҳон иқтисодиёти тўғрисида тасаввурга эга бўлган, жаҳон тилларидан бирини мукамал билган кадрлар керак.

Демак, иккинчи муҳим вазифа - кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш масаласи экан. Бу борада ҳам жуда катта ишлар қилиняпти. Кўплаб тенгдошларимиз ҳозир жаҳоннинг турли мамлакатларида таълим олишяпти. Яқинда Президентимиз АҚШдаги бир гуруҳ ўқиётган ёшлар билан суҳбатлашдилар. Демак, ана шу ёшларнинг сафини кенгайтириш, шунингдек, уларнинг билимини эзгу ишларга сафарбар этиш, масъул лавозимларни ана шу ёшларга ишониб топшириш керак.

Албатта, XXI асрда Ўзбекистон иқтисодиётини яна ривожлантириш учун яна кўплаб муаммоларни ҳал қилиш керак. Лекин мен юқоридаги иккита муаммо ҳам ўз ечимини топса, катта самараларга эришамиз, деган умиддаман.

Дурдона ФАЙЗИЕВА,
Наманган вилояти,
Наманган шаҳридаги
Ал-Хоразмий номидаги
7-мактаб ўқувчиси.

Танловга тақдим этилган бизнес-лойиҳа

"УЧҚУН" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

I. Қисқача маълумот

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигининг 1998 йил январдаги қарори билан рўйхатга олинган.

У ўз низомига кўра куйидаги фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга:

- сабзавот, полиз, ғалла маҳсулотлари етиштириш;
- шу маҳсулотларни қайта ишлаш;
- шаҳар ва қишлоқ марказларида ўз савдо шаҳобчаларини ва умумий овқатланиш корхонасини очиш;
- савдо воситачилик ва тижорат ишлари билан шуғулланиш ва ҳоказо.

II. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

"Учқун" фермер хўжалигининг 3 гектар ери бор. Шу ернинг 0.5 гектарига шоли, 2.5 гектарига пиёз эккан.

Лойиҳанинг умумий қиймати 586.0 минг сўм бўлиб, 450.0 минг сўми қарз ҳисобига, 136.0 минг сўми фермер хўжалиги ҳисобидан бўлади.

Лойиҳанинг самарадорлиги жадвали:

| Кўрсаткич номи | Сифати |
|----------------|------------------------------------------------|
| 1 | Дастур йўналиши |
| 2 | Полиз экинларига бўлган бозордаги талаб |
| 3 | Етиштирилган маҳсулот сифати |
| 4 | Лойиҳани амалга оширишда қарз олувчининг улуши |
| 5 | Янги иш ўрни яратиш |

III. Лойиҳани амалга оширишга монелик қилувчи омиллар:

| Кўрсаткич номи | Кўрсаткич маълумоти |
|----------------|------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Хўжалик ишини замон талаблари даражасига кўтариш учун тўсқинлик қилувчи омил |
| 2 | Хўжалик ишини ривожлантириш учун етилмаган маблағ |

IV. Харажатлар

| Харажат турлари | Лойиҳа қиймати | қарз ҳисобидан | ўз ҳисобидан |
|--------------------------------------|----------------|----------------|--------------|
| Сараланган уруғлик | 13000.0 | | 130000.0 |
| Минерал ўғитлар | 14000.0 | | 14000.0 |
| Экиладиган ерни тайёрлаш учун | 100000.0 | | 100000.0 |
| Транспорт воситасини сотиб олиш учун | 445000.0 | 445000.0 | |
| Реклама учун | 5000.0 | | 5000.0 |
| "Бизнес фонд" хизмати учун | 9000.0 | | 9000.0 |
| Жами | 586000.0 | 445000.0 | 136000.0 |

V. Даромадлар

| Муддати | Маҳсулот | Ҳосил (т.) | 1 тоннаси | Сотишдан даромад |
|-------------|----------|------------|-----------|------------------|
| 1-йили | Шоли | 2.0 | 20.0 | 40.0 |
| | Пиёз | 115.0 | 5.0 | 575.0 |
| Жами | | | | 615.0 |
| 2-йили | Шоли | 2.0 | 20.0 | 40.0 |
| | Пиёз | 115.0 | 5.0 | 575.0 |
| Жами | | | | 615.0 |
| 3-йили | Шоли | 2.0 | 20.0 | 40.0 |
| | Пиёз | 115.0 | 5.0 | 575.0 |
| Жами | | | | 615.0 |

VI. Даромад ва харажатлар

| Кўрсаткич номи | 1-йилда (минг сўм) | 2-йилда (минг сўм) | 3-йилда (минг сўм) | |
|----------------|---------------------------------------|--------------------|--------------------|-------|
| 1 | Маҳсулотни сотишдан тушадиган даромад | 615 | 615.0 | 615.0 |
| 2 | Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар | 241.0 | 241.0 | 241.0 |
| 3 | Фойда | 374.0 | 374.0 | 374.0 |
| 4 | Кўшилган қиймат солиғи | - | - | - |
| 5 | Фойдадан солиқ 20% | 74.8 | 74.8 | 74.8 |
| 6 | Мулкни сугурталаш 3% | 12.01 | 12.01 | 12.01 |
| 7 | Қарзни сугурталаш 5% | 20.25 | 15.75 | 9.0 |
| 8 | Қарз фоизи 30% | 141.07 | 115.8 | 73.50 |
| 9 | Олдинги йилдан қолган фойда | | 46.12 | 67.51 |
| 10 | Қарзни қайтариш | 100.0 | 150.0 | 245.0 |
| 11 | Соф фойда | 46.12 | 67.51 | 36.20 |

VII. Хулоса:

Юқоридаги ҳисоб-китоблар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳсулот сотиш ҳисобига олинган қарз ва қарзнинг фоизи 3 йилда узилади. Охириги йилда 36,20 минг сўм соф фойда ва қарз ҳисобидан сотиб олинган микроавтобус ҳам фермер хўжалиги ихтиёрида қолади.

Дурдона ФАЙЗИЕВА,
Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 7-мактаб ўқувчиси.

ЭНГ...ЭНГ...ЭНГ

...КАТТА МАГАЗИН

Дунёдаги энг катта магазин "Мейси энд Компани" бўлиб, у Нью-Йоркда жойлашган. Жойлашган майдони 20.3 гектар ерга тенг бўлиб, магазинда 14000 ишчи, 400 минг турдаги маҳсулот ёки товар билан хизмат кўрсатади. Унинг йиллик обороти 4368386000\$ га яқин ва у энг даромадли магазин ҳамдир.

...БОЙ ОИЛА

Дунёдаги ҳисобларга кўра энг бой оила Дюнонлар оиласи, ундаги аъзоларнинг сони 1600 та бўлиб, уларнинг ҳисобида 150 млрд \$ бор. Бу оилаларнинг асосчиси Пьер Дюнон 1800 йили Франциядан АҚШга кўчиб келган эди.

...КАТТА КОРХОНА

Бу - автомобиль ишлаб чиқариш тармоғининг асосчиларидан бири "Фольксвагенверк" автомобиль заводи бўлиб, ундаги 650 минг киши бир кунда 4000 та автомобиль ишлаб чиқаради. Ушбу заводнинг умумий майдони 150 гектарга тенг.

Бобомурод ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар,
Солиқ лицейининг
10-синф ўқувчиси.

Танловга тақдим этилган маъруза

“ЭКОЛОГИЯНИ САҚЛАШ, ЎЗИМИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДА!”

зимки, бундай ишлаб чиқаришлар янги усул ҳисобланади. Қайта ишланган пластмасс идишлар чет давлатларга экспорт қилинади.

Ҳозирги кунда ички бозорда деярли рақиблар йўқ. Шу нарса ҳам бизнинг ютуғимиз деб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш учун хом ашёни аҳолидан тўпланади. Республикаимизнинг ҳар бир вилоятида “Coca-Cola”, “Fanta”, “Sprite”, “Bonaqua” идишларни тўплайдиган шахобчалар очилади.

Пластик идишларни қайта ишлаб чиқариш учун техника ва технологияни Олмониядан сотиб олинади. Фақат шу билан чекланибгина қолмай, бу ҳунарга ўргатиб малакасини оширишга ҳам шартнома тузилади. Қисқа ишлаб чиқариш технология-

си билан таништираман: пластик идишларни тўплаб келингандан кейин, уларни яхшилаб ювилади, тозалангандан кейин, қирқилиб, шаклларга солинади.

Бизнес - лойиҳани маркетинг бўлимида қуйидагилар акс этган: тўпланган маълумотларга қараганда, пластик идишларни 100 сини 1.5л-15 цент, 1л-15 цент, 0.5л-10 центдан сотиб олган маъқул бўлади.

Реклама учун барча оммавий ахборот воситаларни ҳисобга олганда тахминан ойига 100\$ сарфланади.

Фирманинг шакли чекланган ширкат бўлади. Бир нечта шерикларим билан 2300\$ ни жамғардик ва таъсис шартномаси асосида тасдиқлаб олдик. Инфляция ва валюта курсларини хавфини олиш учун суғуртага

фойдани 4%ни банкдаги ҳисоб рақамга ўтказиб турамыз.

Барча ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ҳаракатлар ҳисобга олиниб, инвестиция билан эҳтиёж 7000\$ ни ташкил қилади. Таъсисчиларнинг жамғармасини ҳисобга олганда, лойиҳанинг умумий қиймати 93000\$ ташкил қилади.

Инвестицияни қайтариш “оборот айланмаси” усули ёки ҳар йилда 15000\$ қайтарилади. Шунда 4 1/2 йилда қайтариб бераман.

Инвестиция, манзур бўлса нақд пул ёки маҳсулот шаклида қайтарилади. Лойиҳанинг афзаллик томонлари, бу соҳа бўйича ҳеч ким шугуллангани йўқ ва энг асосийси экологияга катта ижобий таъсир кўрсатади. Бизнинг фирманинг шиори:

“Экологияни сақлаш, ўзимизнинг қўлимизда!”

Дилдора ИБАЕВА,

Қирғизистон Республикаси,

Жалолобод вилояти,


“Сотволди Хожи” хусусий

мактабининг 9-синф ўқувчиси.



Мен ўзимни лойиҳамни пластмасс идишларни қайта ишлаб чиқаришга, яъни улардан хўжалик маҳсулотлар тайёрлашга асосланиб туздим. Бу лойиҳани Қирғизистон жумҳуриятида амалга оширмакчиман. Бундай фаолият бир неча давлатларда тузилганини биламиз. Масалан, Япония ва Германияда. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш ло-

Танловга тақдим этилган бизнес-лойиҳа



МАҚСАД: АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

1. МАҚСАД

Биринчи навбатда бу иншоотларни қуришимиздан мақсад, шу ерлик аҳолига маиший хизмат кўрсатишдан иборат. Иккинчи навбатда эса моддий манфаат кўриш ҳамдир ва шунингдек, шу ерлик аҳолини иш билан таъминлаш мақсадимиз ҳам бор.

2. ҲОЛАТ

Биз бу ердаги аҳоли билан ва шу ернинг ҳолатини ўрганиб чиқдик. Шу ерлик аҳоли сони 3 мингга яқин бўлиб, улардан 90% киши шу ерга озиқ-овқат магазини қурилиши кераклигини, аҳолининг 85% эса ошхона ҳамда сартарошхона қурилиш кераклигини, аҳолининг 80% шу ерга автосервис очилса шу ерга келишларини айтишди. Мактабдаги болалар сони 2 минг бўлиб, шундан 90% ошхона ҳамда озиқ-овқат магазини очилса келишларини айтишди. Кино, телевидение, стадион, метрода ишлайдиган ишчилар сони 5 мингга яқин бўлиб, шулардан 90% ишчи ошхона ва озиқ-овқат магазини очилишини, ишчиларнинг 85% шу ерда автосервис ҳамда сартарошхона очилса, шу ерга келишларини айтишди. Бундан ташқари бу ерга келиб-кетувчилар сони 10 мингга яқин бўлиб, шундан 90% ошхона ва озиқ-овқат магазини очилишини, 85% эса сартарошхона ва автосервис очилса шу ерга келишларини айтишди.

3. МУАММО

Эндиги муаммомиз маблағ эди. Биз бу ишларни икки киши қилдик. Ўртагим 10 млн. сўм, мен ҳам 10 млн. сўм ўртага қўйдик. Қариндош-уруғларимиздан ҳам 10 млн. сўм олдик. Тўпланган пул 30 млн. сўмни ташкил этди. Ишни юргизиш учун 10 млн. сўмни ажратиб қўйдик. 7 млн. сўм озиқ-овқат магазинига, 5 млн. сўм автосервисга, 3 млн. сўм ошхонага, 3 млн. сўм сартарошхонага ишлатилди. Ерни 1 млн. сўмга олдик. Устахоналарга 1 млн. сўм бердик. Қурилиш битиб, ишларни ҳам бошлаб юбордик.

4. ЕЧИМ

10 млн. сўмни иш юритишга қўйган эдик. Шундан 5 млн. сўм озиқ-овқат магазинига, 2 млн. сўм автосервисга, 2 млн. сўм ошхонага ва 1 млн. сўм сартарошхонага ажратилди. Ҳозир ишлар юришиб кетди. Ҳар кунги, яъни бир кунги ялпи даромад 1 млн. 200 минг сўмни ташкил этади. Шундан 20%, яъни 200 минг сўми фойда. Бир ойги ялпи даромад 36.000.000 сўм, фойда эса 6.000.000 сўм. Бир йиллик ялпи даромад 432 млн. сўм, фойда эса 72.000.000 сўм. Шундан 10%, яъни 7.200.000 сўм солиққа ажратилди. 70 млн. сўм қарзимиздан ҳам қўтилди. Ўзимиздан ишлатган пулимиз ҳам чиқди. Бизнинг соф даромадимиз 20.400.000 сўмни ташкил этади. Ҳар биримиз йилига 10.200.000 сўмдан соф фойда кўрдик.

ҚАНДАЙ РЕКЛАМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Реклама воситалари жуда кўп ва хилма-хилдир, булар газета ва журналлардаги, радио ва телевидениедаги эълонлар, рекламалар устунлар, плакатлар, сувенирлар, календарлар, каталоглар ва маълумотномалар. Реклама воситаларни танлашда реклама кимларга мўлжалланганлигини эътиборга олиш лозим. Ёшларга қаратилган рекламалар телевидение орқали берилганда самарали бўлса, кекса ёшдаги одамларга мўлжалланган рекламаларни газеталарда эълон қилиш фойдалидир. Баъзи товарларни, масалан, кийим-кечакларни журнал ва каталогларда реклама қилиш фойдали бўлса, бошқа баъзиларини, масалан, янги кўшиқлар ёзилган компакт диск ёки кассеталарни радио ва телевидение орқали реклама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Реклама қандай вазифани бажаради?

Реклама истеъмолчиларни янги пайдо бўлган товарга жалб қилиш, нархларнинг ўзгариши билан таништириш, фирманинг қўшимча хизматлари ҳақида маълумот бериш каби вазифалар бажаради.

Реклама қандай бўлиши керак?

Фирма реклама қилувчи кенг шароит яратиб беради. Реклама “қуроллари” - бу рекламанинг ўлчами, ранги, шакли, мазмуни ва услубларидир.

Рекламани хоҳлаган тарзда қилиш мумкин деб ўйлаш нотўғридир. Реклама бизнесида ҳам ўзининг сир-асрори ва қонун-қоидалари мавжуд. Реклама шундай қилиниши керакки, бунда истеъмолчида қизиқиш уйғонсин ва натижада у бирор янги нарсани билиб олганлигини ҳис қилсин.

Реклама ростўй бўлиши керак. Истеъмолчига ҳеч қачон сифатсиз товарни реклама қилмаслик керак, акс ҳолда фирма ишончини йўқотади.

Замонавий бизнесда реклама маркетингнинг энг кучли қуролларидан биридир. Рекламадан антиқа товарларни ва кенг истеъмол қилинувчи товарларни ишлаб чиқарувчи фирмалар фойдаланишади. Шунингдек, реклама киноартистлар, ёзувчи-

лар, шифокорлар ва шу кабилар учун, ҳаттоки реклама агентликлари учун ҳам керакдир.

Реклама агентлиги шундай фирмаки, у бошқа фирмаларнинг буюртмаси бўйича фаолият кўрсатади. Катта фирмалар ўзларининг реклама бўлимига эга бўлади. Кичикроқ фирмаларда реклама билан фақат сотувчигина шугулланади. Лекин улар ҳам кўпроқ реклама агентликларига мурожаат қилишади, чунки реклама агентликлари одатда, кўпроқ тажрибага эга бўладилар.

Реклама - бу истеъмолчиларга бўлган мурожаатдир. Рекламанинг мақсади истеъмолчилар эътиборини фирма товарларига қаратишдан иборат. Рекламанинг хусусияти шундаки, у маълум бир кишига эмас, истеъмолчилар гуруҳига йўналтирилгандир. Бу гуруҳ мамлакатнинг барча аҳолиси ҳам бўлиши мумкин.

Рекламага кўп маблағ талаб қилади. Бу маблағ бекор кетмаслиги учун фирма маркетинг фаолиятини яхши ўйлаб қадам қўйиши керак.

Нималарни реклама қилиш мумкин?

Улар қуйидагилардан иборат:

1) Муайян товарларни - бунда реклама харидорга товарнинг хоссалари нархи ҳақида маълумот беради.

2) Фирмаларни - реклама истеъмолчида фирма ҳақида таассурот яратади. Масалан, фирманинг иш фаолиятини.

3) Воқеаларни. Мисол учун кўчмас мулк биржаси ўтказилаётган аукцион ҳақида, турли хил савдо-кўрғазмалар ҳақида, турли хил савдо-кўрғазмалари ҳақида ва ҳ.к.

4) Фикрларни - реклама одамларни бирор нарсадан муҳофаза қилишга чақиради ёки бир фирма акцияларини сотиб олишга чақиради. Масалан, маблағларни турли хил жамғармаларда сақлаш ҳақидаги рекламалар.

Беҳзод БЕКТЕМИРОВ,


Сирдарё вилояти,

Янгиер шаҳридаги

3-мактаб 7-синф ўқувчиси.

Танловга тақдим этилган маъруза

ЎҚУВ МАСКАНИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ



Бугунги кунда жамиятимиздаги турли ижтимоий катламларни халқ ва давлат манфаати, орзуларини олий мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ягона ғоя жипшлаштирмақда. Бу ғоя Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” ғоясидир. Бу мақадга эришиш йўлида умумхалқ, умуммиллат ишига айланган Миллий дастур яратилди. Зеро, Миллий дастурда миллий ғоя тўлиқ ўз аксини топган. Мана шу эзгу мақсад ва ғоянинг амалга оширилишида таълимнинг энг асосий вази-фаси бу шахс тарбиясидир.

Таълим соҳасида шахс тарбияси-дек улкан вазифа юклатилган. Чунки ҳар бир инсон таълим тизими, тарбия, ривожланиш, касбий шаклланиш орқалигина шахс бўла олади. Шундоқ экан таълим тизимининг янгилашнинг реал йўллари, унинг шахс эҳтиёжларини қондиришдаги роли бизнинг ҳаётимизда қандай кечмоқда. Таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашда маркетингни ривожлантириш орқали таълим хизматлари бозори шаклланимоқда. Булар билан таълим соҳасида бозор муносабатлари шаклланимоқда.

Мактаб бевосита узлуксиз таълим тизимига кирар экан ўқув ишлари ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ равишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Тарбияланган шахс ҳар томонлама ривожланган эркин фикрловчи, фаол, маънавий баркамол, ижодкор бўлмоғи учун таълим ҳар томонлама ташкил этилиши лозим. Миллий дастурда таълимни такомиллаштиришда моддий таъминотнинг ўрни алоҳида кўрсатилган.

Таълим моддий маблағ топиш пул топиш мақсадида эмас, аввало янги шахсни касбий шакллантириш, ижтимоий ривожлантириш, унинг ижодий имконияти жамиятдаги жараёнларга фаол қўшилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилишини унутмаслик зарур.

Шубҳасиз, бугун таълим соҳасида ҳам бозор муносабати шаклланимоқда. Бозор муносабатлари қонуниятлари эртанги ҳаётнинг асоси бўлар экан, бу ўринда таълим-тарбияни такомиллаштириш мақсадида таълим масканида ҳам моддий маблағ топиб ундан самарали фойдаланиш мумкин.

Албатта, моддий маблағ топиш

таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми - ишлаб чиқариш, таълим амалиёти ҳамда меҳнат дарслари, тўғарақлар фаолиятида амалга оширилади.

Бунда:

- биринчидан, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг иқтисодий билим даражаси кенгайди;

- иккинчидан, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғланиш амалда қўлланилади;

- учинчидан, ўз меҳнатини ташкил этиш, моддий манфаатдорлик, ижтимоий ҳаётга фаол бўлиш хусусияти ривожланади;

- тўртинчидан, амалиёт ва назария ўртасида боғлиқлиқни кўриш, ижодий фикрлашга ижтимоий туйғуси уйғонади, ўқувчиларнинг ижодий билим даражаси ошиб боради. Касбий шаклланиш учун шарт-шароит яратилади.

Бу мақсадларни ўзида мужассам этган фаолиятни бир оғиз сўз билан тадбиркорлик деб ҳам номлаш мумкин.

Юқорида келтирилган мақсадларни ўзларининг энг асосий вази-фалари деб билган, мен таълим олаётган М.Бедил номли 4-лицей-интернат ва 100-ўрта мактаб раҳбарияти ва ўқитувчиларининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бера олади деб ўйлайман. Лицей ва мактаб ҳамкорликда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор

берилмоқда.

Тадбиркорлик ишлари асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилаётир:

1) Камёб мутахассислар бўйича пулли ўқув курслари ташкил этиш, фанлар бўйича пулли репетиторлик ва бошқа ташкилий ишларни йўлга қўйиш;

2) Махсулот ишлаб чиқариб сотиш;

3) Аҳолига ва ташкилотларга пуллик хизмат кўрсатиш;

4) Ўқув муассасаси қарамоғидаги ортиқча кўчмас мулкларни ижарага бериш.

Шунингдек, мактабнинг давлат бюджети маблағи билан бир қаторда шахсий маблағларни шакллантириш қуйидаги манбалар асосида амалга оширилмоқда:

1) оталиқ ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ёрдам,

2) корхона ва ота-оналарнинг кўнгилли бадаллари,

3) металл, қоғоз парчаси ва бошқа йиғинлар.

Мактабнинг шахсий маблағларини реал фактлар асосида кўриб чиқадиган бўлсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

1) мактабда қишлоқ хўжалик махсулотлари, мева-чева, полиз экинлари етиштирилади. Ёзда мактабда дам олиш оромгоҳлари ташкил этилиб, дам олувчи болаларни овқатлантиришда мана шу мева-сабзавотлардан фойдаланилади, ортиқча қисми эса

банкларга солиниб, консерва ёпилади ва қишда мактаб ошхонасида фойдаланилади.

Мевали ва мевасиз дарахтларга шакл беришдан олинган шохлардан кетмон, белкурак, болға ва бошқа жихозларнинг дастаклари тайёрлашда фойдаланилади. Буларнинг ҳаммасини пулга қақадиган бўлсак, жуда катта маблағ қўлга киритилганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Даромад жамғарилишининг асосий манбалари бўлган тикувчилик цехи, мактаб ошхонаси, буфет, сартарошхона каби хизмат кўрсатиш шахобчалари мактабга қарашли бўлиб, ишбилармон, тадбиркор одамларга шартнома асосида ижарага берилиб, улар ҳар ойда шартномага асосан келишилган миқдордаги маблағни мактабнинг махсус ҳисобига топшириб борадилар.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш шахобчаларининг ҳар бирида “Устоз ва шогирд” мактаблари ташкил этилган бўлиб, ўқувчи ёшлар бу ерда ҳам касб-хунар ўрганадилар ҳам маълум миқдорда моддий манфаат кўрадилар.

Энди мана шундай асосида жамғариладиган даромаднинг тақсимлини кўриб чиқайлик. Даромаднинг тақсимлинида биринчи бўлиб бюджет тўловлари ва иш ҳақи учун ажратилади:

- мактаб биносини жорий таъмирлаш фондига жами даромаднинг 30%и ажратилган бўлиб, бу фонд орқали мактабни ўқув йили тугагандан кейин янги ўқув йилига тайёрлаш учун барча турдаги таъмирлаш ишлари бажарилиб, иккинчи ўқув йилининг бекаму-қўст биноларда бошланишига имкон яратилади;

- ҳозирги давр талаби бўлган мактабни компьютер, техника ва жихозлар билан таъминлаш учун;

- хизмат кўрсатувчи соҳани ривожлантириш фондига;

- байрам ва ҳар хил тадбирлар учун ажратмалардан ҳар хил кўриктанловларга, олимпиадаларга қатнашиб, фахрли ўрин эгаллаган ўқувчилар ва яхши натижага эришган ўқувчиларни мукофотлашда, байрам ва тадбирлар билан боғлиқ барча-барча харажатлар учун фойдаланилади.

Мазкур режалар таълим-тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисми, ишлаб чиқариш таълим ва амалиёти ҳамда меҳнат дарсларида ва тўғарақларда амалга оширилади. Бу борада ҳар бир йўналишдаги фанининг ўз тадбиркорлари ҳам шаклланиб боради. Зеро, ҳар бир аъзоси тадбиркор бўлган илм маскани ҳар томонлама ривожланади. Чунки ҳар бир маскан ўзининг моддий ва маънавий аҳолини тўлиқ бажариш учун ўзи ўйлаб, ҳаракат қилиб, моддий маблағ топишнинг янги йўллари излашга интилар экан, доимо янгиликларни ўйлаб топади ва бу нарсаларни такомиллаштиради.

Муҳиба ЯХҲОНОВА,

Шаҳрисабз туман,

М.Бедил номли 4-лицей -

интернатнинг

10 - синф ўқувчиси.



Танловга тақдим этилган маъруза

КОРИЗЛАР

Нурота тумани чўл худудида жойлашган, асосан чорвачилик билан шуғулланиб келади. Қисман деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Сув танқис бўлганлиги учун азалдан халқ ер ости сувларидан фойдаланиб келган. Нурота қадимги шаҳар. Бухоро-ю Самарқанд билан тенгдош. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) босқини вақтида бу ерда қовланган қудуқлар, яъни коризлар мавжуд. Уларнинг сони 360 тадан ортиқроқдир. Ана шу коризларнинг ҳар биттасида 10-12 тагача қудуқ мавжуд. Бу қудуқлар ер остидан бир-бири билан боғланган. Энг биринчи қудуқнинг чуқурлиги 13-15 метр бўлса, охиригиси ер юзи билан баравар бўлгани учун сув қудуқдан-қудуққа ўтиб, бир-бирининг сувини тўлдириб, охири катта ариқ бўлиб ер юзига оқиб чиқади. Ҳозирги вақтда бу коризлар кўмилиб кетган, оғизлари беркилиб қолганлиги натижасида сув чиқмай қолган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик даврида ундан фойдаланиш



мумкин, бунинг учун мен куйидаги фикрларимни сизларга билдирмоқчиман.

Авалло шу коризлардан биттасини таъмирлаб, сувини чиқариш лозим. Техника ривожланган даврда бундан осони йўқдек кўринади, катта экскаватор билан бир чекдан очиб борса бўлади. Лекин у вақтда сув ер юзига оқиб чиқмайди, чунки у қудуқлар шундай қурилганки, уларга ҳаво босими таъсир қилиб, сув ер юзига оқиб чиқади. Шунинг учун уларни биринчи қудуқдан бошлаб, тоннел шаклида бетон фишлар билан маҳкамлаб, то охиригича қудуқчага етказиш керак. Кейин аригини тозалаб чиққандан кейин сув бир ариқ бўлиб ер юзига оқиб чиқади. Бу сув камида 15 гектар ерга деҳқончилик қилишга етади. Мен сув чиқаришимдан кейин 10 гектар ерга тут дарахти экар эдим ва пиллачилик билан шуғулланар эдим. Қолган 5 гектарига кузги буғдой экиб, уни йиғиб-тегиб олгандан кейин жойига тариқ экар эдим. Яна бизнинг шароитимизда мос бўлгани учун майда мол қилишса бўлади. Буғдой, тариқ сомонлари моллар учун қишга етарли, пилла қурти чиқиндиси ва моллар гўнги ерга кучли озуқа берар эди. Бу ерда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг таннархи жуда арзонга тушади. Чунки сувни ер юзига чиқариш учун электр энергияси ёки қандайдир механик куч сарфланмаяпти. Иккинчидан, молларнинг еми, озуқаси шу жойнинг ўзидан чиқаяпти. Агар тадбиркорлик билан иш тутилса, бизнес-режаларни аниқ-пухта тузилса, етиштирилган маҳсулотларни талабгори аниқ топилиб, у билан шартнома тузилиб, солиқлар ўз вақтида топширилса, бу соҳадан катта фойда олиш мумкин.

АЁЛЛАРГА ЯРАШАДИГАН ТАДБИРКОРЛИК

Оиламизда хотин-қизлардан онам, мен ва синглим бор. Уччаламизнинг ҳам қўлимиздан бичиш-тикиш ишлари келади. Шунинг учун мен тадбиркорлик ишини бошлашим учун 1 млн. сўм пулни имтиёзли қарз оламан. Бу олган қарзимни куйидагича ишлатаман:

а) 3 дона тикув машинаси оламан. $50000 \text{ сўм} \times 3 = 150000 \text{ сўм}$

б) 10000 сўмга ҳар хил иплар оламан

в) 50000 сўмга асбоблар (андозалар, ўлчов, бичиш асбоблари) оламан.

1 млн. сўм - 150000 сўм - 10000 сўм - 50000 сўм = 790000 сўм.

790.0 минг сўмдан 700000 сўмга газмолларни ҳар метри 70 сўмдан 10000 метрни сотиб оламан. Қолган 90.0

минг сўмдан 15 минг сўмини оилани тебратишга харажат қиламан. 75 минг сўмини эса давлатга солиқ тўлайман. Сотиб олган газмоллардан бугунги кунга зарур бўлган чойшаблар ва ишчи-хизматчиларга энг керакли корхона томонидан бериладиган коржоммалардир. Шуларда энг аввали ва осонроғи чойшаб тикишдан бошламоқчиман ва 1 комплект тикилган чойшабимнинг таннархи 1579 сўм бўлади. Бу куйидагича ташкил қилади. (1-жадвалга қаранг.)

Оиламиз билан бир кунда 30 комплект чойшаб тикамиз ва бир кунлик даромадимиз $1579 \times 30 = 47370 \text{ сўм}$ ни ташкил қилади.

Бир кунлик фойдамиз эса $30 \times 219 = 6570 \text{ сўм}$ бўлади. Бир ойлик фойдамиз эса

$6570 \times 24 \text{ кунга} = 157680 \text{ сўм}$ ни ташкил қилади.

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида 1 комплект чойшаб бозорда 1600 - 1800 сўмдан туради. Мен эса кўтарасига идораларга 1579 сўмдан сотмоқчиман, чунки олган қарз пулимни тез айлантиришимиз керак. Давлатдан қарз олган 1 млн. сўмни қайтариб беришим учун 70000 сўм устига қўшиб қайтаришим керак, яъни 1 млн. 70 минг сўм қилиб бу пулни эса олган фойда ҳисобидан қоплашим керак.

1070.0 минг сўм: 157680 сўмга = 7 ой.

Демак, давлатдан олган 7% фоизли имтиёзли қарзимни 7 ойда узаман ва шу йўсинда оилавий тадбиркорлик ишимизни давом эттирамиз.

1 комплект чойшаб учун кетадиган харажатлар рўйхати (1-жадвал)

| Рақам тартиби | Номланиши | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Баҳоси |
|---------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|---------|-------|-------------|
| 1 | Чойшаб | п/м | 3 | 70 | 210 |
| 2 | Кўрпа жилди | п/м | 9 | 70 | 630 |
| 3 | Ўстиқ жилди | п/м | 1.5 | 70 | 105 |
| 4 | Ип | дона | 0.5 | 40 | 20 |
| 5 | Иш ҳақи | | 1 | 30 | 30 |
| 6 | Электрэнергия | кВт | 1 | 2 | 2 |
| 7 | Кўзда тутилмаган сарф-харажатлар (тикув машинкасининг эскириши ва транспорт харажати ва бошқалар) | % | 10 | | 100 |
| 8 | Режалаштирилган фойда жами | % | 20 | | 219 1316 |
| 9 | Қўшимча солиқ ҳаммаси бўлиб | % сўм | 20 | | 263 1389 |

Шаҳноза АЛИМОВА,
Навоий вилояти, Нурота туманидаги
2-мактаб ўқувчиси.

КРОССВОРД

ЭНИГА:


1. Пулсиз беовсита товар айирбошлаш усули. 2. Пул айланмасининг эквиваленти. 3. "Солиқ" сўзининг эквиваленти. 4. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар маблағлари асосида ташкил қилинган фирма. 5. Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро хўжалик муносабатлар натижасида тўлашга ёки олишга тегишли пуллар. 6. Қандай жамоа турида инсонлар кўпроқ иқтисод қиладилар? 7. Ишлаб чиқариш омилларидан бири. 8. Кишининг маълум вақт давомида ишлаб топган маблағи. 9. Ҳиндистон пул бирлиги. 10. Қарздорлик тилхати. 11. Корхона ҳисоб-китобида жавобгар шахс. 12. Муайян нархга эга товар ва хизматлар миқдори. 13. Эгаси мавжуд бўлган буюмнинг иқтисодий атамаси. 14. Қарзни қайтариб бериш кафолатига қўйилган мулк. 15. Ишлар дастури. 16. АКШ пул бирлиги. 17. Ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ижтимоий меҳнати. 18. Тилхат, патта. 19. Япония пул бирлиги. 20. Одамлар гуруҳи. 21. Ўқитувчининг иш ҳақи қайси иш ҳақи турига мансуб. 22. Мажбурий ундириладиган тўлов. 23. Пул вазифаларидан бири. 24. Савдотик учун усти ёпиқ майдонлар. 25. Қайтариш мажбурияти билан олинувчи тўлов. 26. Бирорга эришиш учун, қўзланган хатти-ҳаракатга меҳнат дейилади. 27. Иқтисодиётда, нарх кўтарилишини кутиб турувчи ва уларни кўтарасига сотиб олувчи шахс қандай аталади? 28. Махсус пул ҳужжати. 29. Экспорт ва импортда иштирокчи учун жорий қилинадиган ҳисса. 30. Табиий, иқтисодий ва молиявий манбалар. 31. Кишиларнинг яшаши, меҳнат қилишига қаратилган маҳсулотлар ва хизматлар йиғиндиси. 32. "Economics" сўзи-

нинг ўзбекча атамаси. 33. Иқтисодиётда жараёнларнинг махсус бўлимларга бўлиниши. 34. "Бозор", "Мулк", "Менежмент", "Тадбиркорлик" иқтисодиётнинг нималари ҳисобланади?

БЎЙИГА:

5. Қувайт пул бирлиги. 12. Бир бирлик товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари. 23. "Бозор"нинг инглизча таржимаси. 35. Кафиликнинг эквиваленти нима деб аталади? 36. Икки томон ўртасидаги келишув. 37. Қайтариб бериш шарт билан маълум муддатга қарз бериш. 39. Кредит-молия муассасаси. 40. Фойда топиш мақсадларини қўзлаган катта корхона. 42. Эгаси бўлмаган осмоний жисмлар. 43. Мамлакатнинг пул бирлиги, унинг типи. 44. Эҳтиёж турларидан бири. 45. Мулкчилик кўринишининг алмашилиш жараёни. 46. Музей кимнинг мулки? 47. Хитойда пул вазифасини қайси хомашё бажарган? 48. Муомала, ўлчов, жамғарма воситаси. 49. Ишлаб чиқарувчилар орасидаги кураш. 50. Обрў-эътибор ва нуфуз. 51. Меҳнат махсули нима деб аталади? 52. Олди-сотди ишлари. 54. Дебет ва кредитдан иборат жадвал. 55. Нарх пасайишини кутиб турувчи тимсол. 56. Товар босқичларидан бири. 57. Нарх кўтарилса, товарга бўлган эҳтиёж. 58. Ватанимизда чиқариладиган автомашина. 59. Корхонанинг қўшимча мулки. 60. Иқтисодиётдаги сиёсатлардан бири. 61. Тадбиркорлар ишхонаси. 62. Қўшимча маблағ. 63. Хитой тангаси. 64. Бирор мақсадга эришиш учун қўзланган хатти-ҳаракат. 65. Шартномани тасдиқлаш шакли.

Хулқар ХЎЖАМОВА,
Навоий вилояти,
Нурота шаҳридаги
1-гимназиянинг
9-синф ўқувчиси.



Ҳисобот

Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлимида 74 та боғча, 37 та мактаб, иккита интернат, битта технологик коллеж, иккита спорт мактаби, битта спорт клуби, битта «Қорасув» спорт комплекси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 41535 нафар ўқувчи, ундан умумтаълим мактабларида 39610, махсус интернатларда 445 нафар, махсус мактабда 240 та, ўқувчи таҳсил олади. Утган йилнинг якунига кўра давлат тест марказининг маълумотларига кўра шаҳар бўйича ўзбек мактаблари бешинчи ўринни, рус мактаблари эса биринчи ўринни эгаллаганлар.

Утган йили фанлар бўйича шаҳар олимпиадасида 45 ўқувчи қатнашган бўлса, бу йил 77 нафар ўқувчи шаҳар олимпиадасида иштирок этди. Ва тўққиз нафар ўқувчи биринчи ўринни эгаллади. 50-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Улугбек Умеров физика фани бўйича Республика олимпиадасида қатнашди ва унга иккинчи ўрин насиб этди. Улугбек 23 май куни Австрияда ўтказиладиган «Ёш физиклар» турнирига жўнаб кетди.

Ўқувчиларни фанга қизиқтира олиш, касб-хунарга ўргата билиш устозларнинг, қолаверса, раҳбарларнинг ҳам вазифасидир. Болаларни севувчи, улар «биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт» дея ўзларига шир қилиб олган катталар фарзандларини бекор бўлишларига йўл қўймадилар.

Ўқув йилининг якунида туман ҳокими — Мажидов Абдуазим Ҳакимовичнинг ташаббуслари билан мактабларда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш юзасидан 16 та фан бўйича туман олимпиадаси ўтказилди. Она тили, инглиз тили, рус тили, математика, химия, биология, ҳуқуқ, информатика каби фанлар бўйича болалар бир-бирлари билан куч синашишди. Текширувлардан шу нарса маълум бўлдики, 279-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гули Тожибоева она тилидан, 120-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Л. Калашникова, 279-мактабнинг 11-синф ўқувчиси А. Хайрутдинов биологиядан, 286-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Х. Хушмуродов ҳуқуқдан, биринчи ўринни эгалладилар. Бу рўйхатни кўплаб келтириш мумкин. Олимпиадада уттиздан ортиқ ўқувчилар танлаган фанлари бўйича голибликни қўлга киритдилар.

Бу олимпиадада бошланғич синф ўқувчилари ҳам жалб қилинди. Митти юракларда она-Ватан туйғусини шакллантириш ва ўқувчилар-

нинг бу ҳақдаги фикрларини урганиш мақсадида турли саволларга жавоб олинди. Айниқса «Тинчлик, осойишталик нима?» «Кимга ўхшашни истар эдингиз?» «Кўшнингиз ким?», каби саволларга

«Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».

И. А. КАРИМОВ.

ИТТИФОҚЛИК БЎЛГАНДА ЙЎЛДОШ

Бугун барча мактабларда 1998—99 ўқув йилининг охириги кўнғироғи чалинди. Ўқиш ва дарслардан биров чарчаган ўқувчи таътилга ошиқаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, бу ўқув йилида нима ишлар қилинди ва қандай натижаларга эришилди? Ўқувчилар йилни қандай якунладилар? Ўтказилган қайси тадбиру-кўриқлар улар ҳаётида ўчмас из қолдирадиган бўлди? Ушбу саволларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидан жавоб излашга ҳаракат қилдик.

қисқа ва аниқ жавоб берган 210-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Махлиё Хужамова, 286-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Зилола Ражабова, 256-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Жавлон Музаффаров каби ўн ўқувчининг берган жавоблари ижобий баҳоланди. Голибларнинг барчаси, ҳамда шаҳар олимпиадаси голибларини 30 май куни туман боғида ҳокимият, томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишадиган бўлдилар.

чи ўринни олдилар.

Шаҳарда ўтказилган «Кўшиқ байрами» кўрик танловида туман ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Мактабдан ташқари тургараклар, ўсмирлар спорт клублари, турар жойдаги ўйин майдончаларида, болалар ва ўсмирлар ижодиёти, қўшимча таълим марказларида 18.400 нафар болалар ҳар хил тургараклар билан машғуллар.

Спорт ўйинлари уюш-

таб ўқитувчиси О. Б. Игнатова, учинчи ўринни эса 171-мактаб ўқитувчиси Х.С. Раҳимовалар эгалладилар.

Туман билан танишаётганимизда яна бир яхши ишнинг устидан чиқдик.



Йўл ҳаракати қоидаларини ўқувчиларга пухта ўргатиш, билим кўникмаларини баҳолаш мақсадида мактаблараро «Яшил чироқ» мусобақаси ўтказилди. Унда 222-мактаб ўқувчилари шаҳарда 1-ўринни, Республикада 3-ўринни эгалладилар.

Технологик коллежда олийгоҳлар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Бу болалар тарбиясига ижобий таъсир қилаяпти.

Соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунини нишонлаш муносабати билан ўтказилган кўрик-танловда 256-, 148-мактаб ўқувчилари голиб бўлиб, бирин-

қоқлик билан ўтказиляпти. Аёллар йили муносабати билан баскетбол бўйича Рафиля Салимова мукофоти мусобақалари мактабларда ўтказилди. Бошланғич синф учун эса спорт фестивали 190-мактабда бўлиб ўтди.

Бундай яхши ишларнинг барчасида устозларнинг ўрни катта. Улар ҳам болалар билан бир қаторда шаҳар, Республика кўрик-танловларида қатнашяптилар.

50-мактабнинг информатика ўқитувчиси Т. Беркешева шаҳарда ва республикада биринчи ўринни олдилар. Шаҳар бўйича иккинчи ўринни 18-мак-

Маълумки, Республика-мизда бадий ижод билан шуғулланаётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг аънавий адабий анжумани бир неча йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Анжуманининг ижодий руҳда ўтишига Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлиги ҳам беқиёсдир. Республика голиби бўлган тумандаги 35-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Феруза Собитова ҳамда 222-мактаб ўқитувчиси Халима Жуманиёзовага Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг имзоси билан ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Ҳар бир давлатнинг келажаги ёшлар билан белгиланади, — дейди Мирзо Улугбек туман халқ таълими мудири Талъат ака Нурмухаммедов. — Уларни билимдон, зукко, шарқона маданиятли, эркин фикрлайдиган инсон бўлишларини истаймиз. Шу билан бирга бир-бирлари билан дўстона алоқада бўлишларига ҳаракат қиламиз. Юртимиз тинчликсевар юрт. Биз нафақат ўз Ватанимиз балки бутун ер юзи тинч бўлишини хоҳлаймиз. Устозларимизнинг ўзи бир-бирлари билан иттифоқ. Уларнинг барча ҳаракатлари ҳам шунга қаратилган. Зеро тинчлик, осойишталик бор жойда хотиржамлик бўлади. Хотиржамлик эса яхши ишларга эшик очади. Шоир айтганидек;

Бир-бирга иттифоқ бўлса гар йўлдош, Адашмай боришар мағрур тутиб бош. Қайда иттифоқлик топадир завол, Теп-текис йўлда ҳам пайдо бўлар тош.

Иттифоқликни эса билимдонлик янада мустаҳкамлайди. Бу борада «Тонг юлдузи»нинг ўз ўрни бор. Ўқувчиларимизнинг 50 фоизи иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлмоқдалар. Ўз ўқувчисини топётган газетамиз яқинда 70 ёшга тўлади. Боболари, она-оналари ўқиган газетани энди фарзандлар ўқир экан, олдинда қилина-

диган ишлар кетма-кет эканини яна ҳис қилмоқдаман.

Туман халқ таълими мудири газетхонликнинг бола тарбияси ҳақида беқиёс аҳамияти борлиги ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, биз бир нарсага амин бўлдик: **Демак, туманда болалар билимдонлиги учун амалий ишлар қилинапти.**

Феруза ОДИЛОВА.

Келажакнинг муносиб ворислари бўлган Сирғали туманидаги Увайсий номли 104-мактабнинг иқтидорли 6-синф ўқувчиларининг «мучал тўйлари» нишонланди. Бу санани улар аъло баҳоларда

носиб авлод бўлиб етишиши йулида сарфламоқда. Шодиёнада ўқувчилар ўзлари тайёрлаган сценарий асосида куй ва қушиқлар, қулгили саҳна кўришнишлари, интермедиялар ижро этдилар. Айниқса,

Qadriyat

МУЧАЛИНГИЗ МУБОРАК

ўқиш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш ила кутиб олдилар.

— Бу синфдаги зеҳнли, қобилиятли угил-қизларимиз мактабимиз фахри, — деб кечани очиб берди мактаб директори Адиба Домлажонова.

Синф раҳбари Матлуба Саидхўжаева меҳрибон ўқитувчи ва тарбиячидир. У ўз билим ва маҳоратларини ўқувчиларининг му-

«Булбулча» ашула ва рақс гуруҳи қатнашчиси Ирода Мирхусанованинг жозибали рақсларини меҳмонлар ҳаяжон билан олқишладилар.

Шоир Рауф Толибнинг «Хамма ҳайрон» номли ҳикоялар тўплами ўқувчиларга кутилмаган совға бўлди. Унда ҳар бир ўқувчининг исми келтирилган муашшаҳ битилганди.

Сурайё Шайхова.

БАҲОР

Етиб келди баҳорой,

Қорлар эриди бирдан.

Дарахтлар уйғонишди,

Бош кўтарганча ердан.

Ҳаммаёқ кўм-кўк гилам,

Тўшалди дала кирга.

Бош кўтарди бойчечак,

Чирой бериб адирга.

Турналар аргимчоги

Кўприк бўлди самога.

Баҳор бўлиб бир соғинч,

Ўтлар ёқди дунёга.

МАКТАБИМ

Эрта билан тураман,
Кўнглим тўла ҳаяжон,
Кучоқ очиб кутмоқда,
Мени мактаб жонажон.

Етиб боргач мактабга,
Бир озод тин оламан,
Илмнинг ҳур чирогин
Нигоҳимга соламан.

Уйга «беш» олиб қайтиб,
Тезда ишга тушаман.

Тўғон билмас дарёдек,
Долғаланиб жўшаман.

Менга билим беради,
Мактабжоним,
мактабжон.

Сенга минг марта
рахмат,

Эй мактабим, жонажон.
Асқар МИРСОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар, Акмал
Икромов номидаги 19-ўрта
мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.



Асқар МИРСОДИҚОВ устози билан.

СЕШАНБА, 25 май.

ЎзТВ — 1.

9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

10.05 Янги алифбони ўрганамиз.

10.35 Кундузги сеанс. «Ёз ҳикоялари». Бадийий фильм.

12.05 «Мактублар — кабутарлар».

13.10 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.

18.10 «ҲА — ҲА — ҲА!» (Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома).

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ — 2.

18.05 «Янги авлод» студияси. «Катта танаффус кўнғироғи».

ЎзТВ — 3.

18.10 «Ёрилтош». Мульттўлам.

18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».

18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

ЎзТВ — 4.

15.40 «Бинафша».

17.00 «Жонли сайёра».

17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари.

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

ЧОРШАНБА, 26 май.

ЎзТВ — 1.

18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ — 2.

18.05 «Янги авлод» студияси. «Катта танаффус кўнғироғи».

19.30 «Сўнги кўнғироқ».

ЎзТВ — 3.

18.10 Болалар учун «Халфана».



ЎзТВ — 4.

17.50 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари.

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

ПАЙШАНБА, 27 май.

ЎзТВ — 1.

9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 50-қисм.

10.35 Кундузги сеанс: «Парвоздаги турна». Бадийий фильм.

«Умид» намоиш этади.

12.30 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».

12.55 «Кўшиқ байрами».

18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ — 2.

18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

19.30 «Сўнги кўнғироқ».

ЎзТВ — 3.

18.10 Болалар олами.

18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

ЎзТВ — 4.

17.00 «Бу ажиб дунё».

17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари.

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

ЖУМА, 28 май.

ЎзТВ — 1.

10.05 Немис тили.

10.55 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.

12.05 «Битирув кечаси. Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

18.10 «Беш бармоқ». Тележурнал.

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ — 2.

18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ри». Телесериал.

ЎзТВ — 3.

9.00 «Ёрилтош». Мульттўлам.

9.40 Болажонлар экрани.

18.10 «Ёрилтош». Мульттўлам.

ЎзТВ — 4.

17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари.

18.45 «Мўъжизалар майдони».

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

ШАНБА, 29 май.

ЎзТВ — 1.

«Умид» намоиш этади.

9.55 «Кўзгу».

10.25 «Очиқ дарс».

11.45 «Арабалла қароқчи қиз». Бадийий фильм.

18.00 Болалар учун «Фламинго».

19.55 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ — 2.

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади. «Боланинг тили», «Мульттомоша».

19.30 «Сўнги кўнғироқ».

ЎзТВ — 3.

11.20 Болажонлар экрани.

18.00 «Ёрилтош». Мульттўлам.

ЎзТВ — 4.

11.20 «Жонли сайёра».

12.40 «Бинафша».

ЯКШАНБА, 30 май.

ЎзТВ — 1.

8.30 «Камалак» болалар учун кинодастур.

9.15 «Фаройибот».

«Умид» намоиш этади.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.20 «Билим-ринг».

12.00 «Кўшигим, жон кўшигим».

14.00 «Шоҳруҳ клуби».

15.20 «Кувноқ стартлар».

Телемусобақа.

18.00 «Олтин тож». Телеўйин.

ЎзТВ — 2.

9.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

10.00 «Синфдош».

11.10 «Инглиз тили сиз учун».

11.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

14.30 «Цирк! Цирк! Цирк!».

18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

19.30 «Сўнги кўнғироқ».

ЎзТВ — 3.

9.45 Болалар учун «Халфана».

12.10 «Болажонлар экрани».

18.10 «Ёрилтош». Мульттўлам.

ЎзТВ — 4.

9.05 «Эртақларнинг сеҳрли олами».

11.00 «Жонли тил».

18.05 «Тенгдошлар».

18.45 «Бу ажиб дунё».

ДУШАНБА, 31 май.

ЎзТВ — 1.

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ — 2.

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади.

«Кувноқ учрашув», «Мульттомоша».

ЎзТВ — 3.

18.10 «Ёрилтош». Мульттўлам.

ЎзТВ — 4.

17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари.

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».

ТУРАҚУРҒОНДА

Меҳмонлар тонг сахарлаб йулга тушишди. Пешинга яқин Турақурғондаги сой кўпригига етиб келишди.

— Мана шу ерни Турақурғон, дейдилар, Мақсуджон, — деди Бозорбой ота.

Кўприк Косонсойдагига қараганда анча катта ва узун бўлгани учун Мақсуд уни эҳн билан томоша қиларди. Сой ҳам жуда катта кўринди унинг кўзига. Суви ҳам ёйилиб оқар эди. Кўприкдан ўтиб, чапга бурилишган эди, яна кўприк келди.

— Яна кўприк, — деди беихтиёр Мақсуд.

— Ҳа, бу кўш кўприк ўғлим. Кўш ариқнинг кўприкларидан, — тушунтирди Қосим амаки, — биз мана шу ариқдан сув ичамиз.

— Турақурғонда кўприк кўп экан-а, амаки?

Ертепа, деган қишлоқдан утгандан кейин эшакларнинг туёғи ерга ётқизилган тошларга урилиб, аллақандай бир товуш чиқарган эди. Аммо Турақурғон сойидан ўтилгандан кейин бу товуш Мақсудга эшитилмай қолди. Мана бу довонга келганда эса, ҳатто эшакларнинг юриши ҳам секинлашиб, туёқларининг овози ҳам йўқолди. Бозорбой отанинг эшаги довондан зингиллаганича чиқиб кетди. Аммо Мақсуд мингашган эшак довоннинг ўртасига етиб келганда таққа тухтади. Қосим амаки эшакдан тушиб уни етаклаб олди.

Мақсуд бу ерга биринчи келганда унинг ҳамма жой, дарахлар ҳам, бинолар, сой, ариқ ва хуллас одамлар ҳам худди бошқача кўрина бошлади. Довон тепасига чиқаришда ун томонда кўқайиб турган бир бинога кўзи тушган Мақсуд иложсиз Қосим амакидан сўради:

— Қосим амаки, анави қанақа уй, жуда баланд-а?

— Ғариб масжид.

— Нега ғариб?

Қосим амаки унга қандай тушунтиришни билмадим, ёки, хоҳламадим, жавоб бермади. Мақсуд ундан яна сўради. Қосим амаки тушунтира бошлади.

— Ғариб-да! Сабаби бу ерга одамлар намоз ўқигани жуда камдан-кам келдилар. Фақат Турақурғонга келган мусофирларгина бу ерда намоз ўқийдилар. Бошқалар ўз қишлоқларидаги ёки маҳал-

лаларидаги масжидларда намоз ўқийдилар. Шунинг учун бу ерда баъзи кунлари намоз ўқийдиган одам бўлмай ҳам қолади.

Қосим амаки ҳарчанд тушунтирмасин, барибир Мақсуд «Ғариб» сўзининг асл маъносига тушунмасди. Яна сўрай, деб турган эди, унинг кўзига, бун-

қа бино дунёнинг ҳеч қаерида йўқ, фақат шу ерда салобат билан тургандек туюлди. Қосим амаки Мақсуднинг бинога суқланиб қараб турганини кўриб, мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳув анови минорасида сўфи азон чақирар эди, — деди Қосим амаки мадрасанинг гум-

татиб, радио турган бино яқинроғига бориб тинглай бошлади.

Шу кун яшанба эди. Кўчага одам сўғмасди. Бироздан кейин яна одамлар ўз йўлларида давом эта бошладилар. Қосим амакилар мадрасанинг рўпарасидаги уй олдидаги да-

узилган ноннинг, гуштли сомсанинг ва унга қушилиб яна аллақандай ёқимли ҳидлар урила бошлади.

Пушти белбоғни салла қилиб олган эликдан ошган бир киши чой дамлапти. Унинг қўли-қўлига тегмайди. Эшикдан ким кирса, унга мулойимлик билан «Хуш келибсизлар меҳмонлар!» дея ширин суҳанда бўлади-да, яна чой дамлашни давом эттираверарди. Иккита мис самоварнинг биттаси худди паравознинг бугҳонасига ўхшарди. У ана шунисидан чой дамлар эди. Мақсуд аслида паравозни кўрган эмас, аммо Содикнинг дадаси, яъни холасининг эри Турсун гаж-жак бир кун уларни кўриб келганда паравоз қанақа бўлади, деб сураганда Мақсудга айтиб берган эди. Шундан биладик, паравознинг мўрисидан бурқсиб тутун ва буг чиқади.

— Салом! Амакиларингга жой кўрсатсанг-чи! — деди чойхоначи Қосим амакиларни кўради. Ун беш ёшлардаги қотмадан келган бир чеккаси йиртиқ дўппи кийиб олган болага қараб. Бу бола Қосим амакиларга «Юқоридаги сўрига чиқаверинглар амаки, жой бор. Ўшогда утираверасизлар», деди.

Улар туя чўкса жой топар қабилида, юқоридаги сўридан сиқилиб, бир жойга учовлари утиришди. Юқори ҳам пастдаги сўрилардан баттар экан. Бугун бозор эмасми, кейин туш пайти бўлгани учун ҳам бу ерда одамлар гавжум. Бошқа кунлари эса бунчалик тиқин бўлмайди, дея Мақсудга тушунтира бошлади Қосим амаки. Каравотларга солинган паллолар ҳам кир, қайсиниси қандай рангда эканлигини билиб бўлмасди. Агар бу бинонинг ичкарасига кириб, унинг чойхона эканлигига ишонч ҳосил қилмасангиз ташқарисидан асло чойхона, одамлар дам олиб, овқатланиб ҳордиқ чиқаради... н жойга ухшамас эди. Унинг қишлоқдаги ҳароб уйлардан фарқи йўқ эди.

(Давоми бор).

Мақсуд ИБРОҲИМОВ

МЕРОС

дан ҳам қизиқроқ бино кўришиб қолди. Бу кўчанинг чап томонидаги бино бўлиб, у шунақаям чиройли, салобатли эдики, бунақаси Мақсудларнинг қишлоғида йўқ эди. Бунақа чиройли салобатли бинони биринчи кўраётгани учун бирдан:

— Вой буй. Қосим амаки, буюм масжидми? — деб юборди.

Мақсуднинг кўринган нарсани сўрай бериши Қосим амакига малол келдими, ёки жавоб бергиси келмадим, бир қараб қўйди-да, «Ҳали ҳаммасини айтиб бераман, хўпми?» деб қўяқолди. Чунки у йўлда кўринган таниш-билишлар билан саломлашар, айримлар билан ҳол-аҳвол сурашар эди.

Бинонинг икки чеккасида иккитадан тўртта минораси бўлиб, улардан иккитаси гўмбазили эди. Ҳар икки чеккадаги гўмбазили миноралар томонинг ичкарироғига жойлашган бўлиб, улардан бирида темирдан қилинган қип-қизил юдуз ва байроқча ўрнатиб қўйилганди. Байроқчада 1932 ёзуви бор эди.

— Буюм масжидми? — сўради Мақсуд ака.

— Йўқ. Бу Гойназарбойнинг мадрасаси. Бинонинг қурилишида барча турақурғонликлар, шу жумладан мен ҳам қатнашганман. Бу жуда тез битган, ўғлим. Бойларнинг қурби нималарга етишини кўрдимми? Илгариги бойлар ана шунақа танти бўлишган.

Қосим амакининг бу сўзларини эшитган Мақсуднинг ҳам мана шунақа бинолар қурилишида қатнашиб ишлагиси, ғишт тергиси ва кейин «Шу бинонинг қурилишида мен ҳам қатнашганман», деб мақтангиси келди. Унинг хаёлида буна-


қосим курсатиб, — қолган иккитаси бинонинг чиройли бўлиб кўриниши учун қилинган. Ҳозир азон чақирилмайди.

— Нега энди чақирилмайди? — сўради Мақсуд.

— Э, ўғлим кейин айтиб бераман. Катта бўлсанг ўзинг ҳам билиб оласан, нега азон чақирилмаётганини.

рахтга эшакларини бойлашди-да, уйча томон аста юра бошлашди. Бу пастаккина уйга одамлар кириб чиқар, эшик очилганда худди мўридан тутун чиққандек, ҳавр бурқсиб турарди.

— Қани Мақсуджон, юрчи ўғлим. Қорнинг ҳам очгандир? Озгина тамадди қилиб олай-



Шу пайт мадрасанинг пештоғидаги радио карнайдан информбюронинг фронтдан олинган хабарлари эшиттирила бошланди. Кўчада юриб кетаётган отлик борми, эшакдаги одамми, ҳатто аравакашлар ҳам бу радиода берилётган хабарни тўхтаб, бутун вужуди кулоқ бўлиб эшита бошлашди. Қосим амаки ҳам эшагини тух-

лик, кейин сенга бозоримизни курсатаман, — дея Мақсудни уша уйга бошладилар Қосим амаки билан Бозорбой ота. Кўк буюк билан қачонлардир бўялган бўлиб, офтобда ранги учиб кетган икки табақали эшикни очиб, ичкарига киришди. Бу чойхона эди. Ичкарига кириши билан Мақсуднинг димоғига тандирдан янги

YO'LDAGI O'YLAR

ko'ra fazilatlarini ko'proq ko'ra bilgan odam hayotda ko'p do'st orttiradi.

Mehr bilan tikilgan ko'zga nuqsonlar ham fazilat bo'lib ko'rinadi.

Yo'lbars terisi ostida ham quyon yurakini yashirish qiyin.

Bolaligimda buvimdan bir ertak eshitgandim. Qaydadir bir mamlakat bor ekan. U yerning odamlari kechasi itga aylanisharkan. Bu rivoyat menga insoniy hayotning ramzi bo'lib tuyuladi. Odamzotning barcha hayvoniy jihatlari: hirsiy mayllar, o'g'irlik, tan furushlik, ko'pincha tunda namoyon bo'lmaydimi?

Odam yettiga kirguncha yerdan tayoq yeydi, yetmishga kirguncha turmushdan.

Ba'zilar vatanparvarlikni «va... tanparvarlik» deb tushunadilar.

Umr ham pulga o'xshaydi, ko'pligida ayamay sarflaysan,



kamaygan sari «hasishlashib» bo-rasan.

Maqtanchoqlik yomon, lekin, maqtanadigan narsang bo'lmasa, undan ham yomon.

Tol suvga talpinaverib, majnun bo'lib qoldi.

Madaniyatimizning oshganligi belgisi; kitob do'koniga o'g'ri tushibdi.

G'alati; shuhrat ortgan sari umr kamayib boradi.

Vaqt ham kiyimga o'xshaydi; yoshing ulg'aygan sari tang kelaveradi.

Go'zal ayollar tasviriy san'at asariga o'xshaydi. Ularni uzoqroqdan tomosha qilgan ma'qul.

Odatda sezgir yurakli, ta'sirchan tuyg'ular bilan yashovchi kishilar ko'proq zarbaga uchraydi. Shoir ham shu toifadan.

Uning o'tli she'rlari ana shu zarbalarning aks-sadosi sifatida dunyoga keladi.

Ijodkor iste'dodi shamshirga o'xshaydi. Tajriba charxidan tezlab turilmasa, zanglab qoladi.

Til xalqing tarixi, madaniyati va badiiy salohiyatini ko'rsatuvchi o'ziga hos guvoynomadir.

Oyda ham dog' bor. Ammo ana shu dog'nigina ko'rishga odatlangan odamlar o'zining butun ulug'vorligi, nurafshonligi, go'zalligini his etishga qodir emas.

Bebaho kitoblarni to'plab, undan foydalanmagan, boshqalarni ham bahramand etmagan odamning hazinani qo'riqlovchi ajdarhodan farqi kam.

Yoshlar orzu bilan, keksalar esa xotiralar bilan yashaydilar.

Goho qiyinchilik, yo'qlik birlashtiradi, to'qlik esa uzoqlashtiradi.

Tan yalqovligidan fikriy yalqovlik yuz karra havfliroq.

Yomon gap tog'dan dumalagan toshga o'xshaydi, u haiokatli ko'chikilar qo'zg'ashi mumkin.

Nosir MUHAMMAD

Hayot biz' voyaga yetadigan beshikdir. Go'dak yuzini tirnab olmasligi, ustini bulg'amasligi uchun beshikda qo'l oyoqlarini bog'lab qo'yadilar. Hayotda ham turli qonun va majburiyatlar bilan bog'langanmiz. Qo'limizni bo'sh qo'yishganda nimalar qilmasdik?

Har bir kishining vujudida ma'lum darajada Gulliver yashaydi. Buyuklar qarshisida o'zimizning naqadar kichikligimizni, «mayda» odamlar yonida esa qanchalar ulkanligimizni his etamiz.

Bolalar o'ziga tarbiyachidir. Biz ularni tarbiyalaymiz, ular esa bizni.

Kitoblar bir avlodning o'zidan keyingi avlodga vasiyatnomasidir.

Hayot eng katta muallimdir, ko'cha esa eng katta dorilfunun.

Ixtiro-shubxalanishdan, she'r esa hayratlanishdan boshlanadi.

Odamlarning nuqsonlaridan

Носир ФОЗИЛОВ

Хар куни Нодир амаким мени имтиҳон қилади. Албатта, унинг мендан сўрайдиган суроқлари ов ҳақида бўлади:

— Икки қулогининг уртасидан.
— Нега?
— Уқ етиб боргунча қуён илгарилаб кетади. Икки қулоғи уртасидан мулжалга олинса, узига бориб тегади.
— Дуруст, — дейди амаким

ЖҲҲОРИ ТУЗОҚ

Ҳикоя

— Битта уққа неча грамм дори кетади?
— Бир ярим грамм.
— Бир уқ неча метр узоқликдаги овни йиқита олади?
— Агар сочма бўлса, етмиш метр узоқликдагини...
— Олдинга қочиб бораётган қуённинг қаеридан мулжалга олса бўлади?

жавобларимдан мамнун бўлиб, — кундалангига қочганида-чи?
— Чамаси бир қуённи олдин мулжалга олиш керак.

Бу гаплар овчиликда янгилик эмас. Бу овчиликнинг алифбесига ўхшаган бор гаплар. Нодир амаким бирор нарсани гапириб беришдан кўра, курсатиб ўргатишни маъқул кўради. Ҳалиги берган саволларининг ҳаммасини менга бажартириб, ўргатиб сўнг сўради. У мени жавобларимдан қаноат ҳосил қилди шекилли, ўрнидан туриб, тоқчадан битта консерва қутчасини олиб, менга курсатди.

— Бу нима?
— Буми? Бу... қутича-да, сувга солинган жўхори.

— Мана бу-чи?
— Машина ип.

— Жуда соз, энди менга қара, — деди у консерва қутчасида ивитиб қуйилган жўхоридан бир донасини олиб. — Мен нима қиялман?

— Нианага ип утказдингиз.

— Ҳуш, кейин-чи?

— Ипнинг охирини тугдингиз... Нинани жўхорининг уртасидан утказдингиз...

— Тушундингми?

— Тушундим-у...

— Сен аввал мана шу мен қилгандай қилавер, бўёғини кейин курсатаман, хўпми?

— Ҳўп.

Мен бир қулоччадан қилиб узилган, йигирма-уттиз булак ипга биттадан жўхори утказдим. Нодир амаким ҳам, кейин уларни амаким авайлаб стаканга солиб, елкасига ов халтасини осди-да, «Юр, кетдик», — деди.

— Қаёққа?

— Овга.

— Милтиқ олмаймизми?

— Мана милтиқ, — амаким стакандаги жўхориларни курсатиб кулди.

— Мен барибир ҳеч нарсага тушунмадим. Қайталаб сўрашга журъат этолмай, амакимнинг кетидан эргашдим.

Кун оғиб, офтобнинг тафти қайтиб қолган. Пиёда тўппа-тўғри Белариқ бўйига келдик. Амаким ариқнинг ёйилиброқ

Шогирд таъзими

НУРГА ЙЎФРИЛГАН УМР...

Яхши китоб ўқисанг, мазза қиласан киши. Яхши куй ё қушиқ эшитсанг, завқланасан, хордиқ чиқарасан. Яхши фильм ё спектакл эса маънавий озуқа беради...

Яхши инсонлар билан учрашув, ҳамсуҳбат бўлиш ва енмаен яшаш эса чинакам Бахт экан.

Мен атоқли болалар ёзувчиси, моҳир таржимон ва ношир Носир Фозилов ҳақида уйларканман, ҳар сафар ҳаёлимдан шундай фикрлар кечади. Бунинг сабаблари қул албатта.

Аввало, Носир ака ниҳоятда бағри кенг, олийжаноб, ҳақиқатгуй, меҳрибон ва камтарин одам.

Булмаса, мақтангулик жиҳатлари жуда қул. Ёзган китобларию, таржима қилган, чоп этилишида бевосита иштирок этган асарларни бир ерга жамланса бутун бошли катта кутубхона вуҷудга келади. Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби фахрий унвонига сазовор булган, қул йиллик фаолияти Республика Давлат мукофоти, Ўзбекистон ёзувчилар Уюшмасининг Фафур Гулом номидаги ва Қозогистон ёзувчилар Уюшмасининг Бейимбет Майлин номи мукофотлари ҳамда Қозогистон Республикаси

Президентининг махсус Соврини, қатор-қатор медаллари нишонлар билан тақдирланган.

Носир ака «Тонг юлдузи»нинг азалий муаллифларидан ҳисобланади. Диққатга сазовор томони шундаки, унинг биринчи ҳикояси ҳам 1953 йили айнан ана шу сеvimли газетамиз саҳифаларида босилиб чиққан. Уз вақтида «Гулхан», «Шарқ юлдузи» ойнамаларида, «Ёш гвардия» ва Фафур Гулом нашриётларида хизмат қилган.

Носир Фозиловнинг «Оқим», «Саратон», «Қуш қаноти билан», «Ташвиш», «Қор хат», «Ирмоқ», «Иншо», «Кўкёл», «Менинг хусним», «Кичкина деманг бизни», «Шум боланинг набиралари» сингари қисса ва ҳикоялари қуллаб авлод болаларининг сеvimли асарлари қаторидан урин олган.

Адиб қозоқ тилидан ўзбекчага уғирган Абай, Мухтор Авезов, Фабиб Мусрепов, Собит Муқонов, Фабибден Мустафин сингари машҳур ёзувчиларнинг асарлари эса икки қардош халқ уртасидаги дустлик ва қардошлиқ ришталарининг мустаҳкамланишига катта ҳисса бўлиб қушилган.



оқадиган, мол туёқларидан утлари янчилик, тупроғи ўйнаб кетган жойига чўнкайиб утириб олдида, ов халтасидан ёғоч қозиқча олиб ерга қоқа бошлади. Мен ҳеч нарсага ақлим етмай қаққайиб турибман. Бояги йигирма-уттизта жўхори утказилган ипларнинг учини битта қилиб, қозиқча боғлади-да, жўхориларни худди товукқа сочгандай ерга ёйиб қўйди.

— Энди тушундингми? — деб сўради амаким менга ўғирлиб.

Мен елкамни қисдим.

— Тушунмадингми? Юр бўёққа!

Амаким билан ариқ буйлаб кетдик. Бир маҳал у таққа тўхтаб, мийиғида кулди-да, олдинга ишора қилди. Мен бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим; худди боягидақа қозиқ қоқилган, қозиқда боягидақа машина ип. Ҳар машина ип учидан биттадан булдуруқ!

Менга ҳамма нарса аён бўлди: одатда булдуруқлар гала-гала бўлиб юришади. Учса ҳам галаси билан учади. Улар тушда сув ичгани ариқ буйига келади. Сувга қониб булғач, мол топтаб, тупроғи ўйнаб кетган жойда мазза қилиб ағанашади. Ана шунда... ана шунда жўхори

Носир ака ёш ёзувчи ва таржимонларнинг ҳам гамҳур устози, яқин маслаҳатгуйи сифатида хурмат қозонган адиб. Уз вақтида Улмас Умарбеков ва Уткир Ҳошимов, Саъдулла Сиеев ва Уктам Усмонов, Йулдош Сулаймон ва Тоҳир Малик, Муродбой Низанов, Сайловбой Жумагулов ва Сотволди Ражабов каби адибларнинг биринчи роман, қисса ва ҳикояларини тайёрлаш, тахрир қилиш ва чоп этилишида ҳам уз ердамини аямаган.

Мен ҳам Носир аканинг бу хил сабоқларидан баҳраманд булганимдан доим фахрланиб юраман. Чунки Носир ака бор гапни айтади. Ёзувчининг қурили учун «у ери ундок, бу ери бундок» деб қуя қолмайди. Уша асарнинг ҳақиқатда ҳам яхши чиқиши учун муаллиф билан баробар тер тукади, ютуғидан суюнади, камчилиғидан қуонади...

Ана шу Инсон ва Адиб бу гун 70 ёшга тулади.

Шу ҳақда уйларканман, бир нарса ҳаёлимга келади. У ҳам булса, мабодо ҳужжат ва маълумотларда «Фазилатлари» деган банди жорий қилинсаю, уша ери тулдирилгудек булса, Носир аканикига Саҳоват, Бағрикенглик, Олийжаноблик, Самимият, Камтарлик сингари ҳавас қилгулик сифатлар битилган буларди.

Аслини олгандаку, бу шарт ҳам эмас!

Чунки, оқсоқол адибимизнинг бу хил гузал инсоний фазилатлари унинг шахсини нурга чумилтирган каби, китобларида ҳам шундоққина қузга ташлиниб туради.

Зеро, «Ёзувчининг асарлари унинг узига ухшайди» деганлари ҳам шу булса ажаб эмас!..

Эркин УСМОНОВ.

рини ютишаркану, ипга тизилишиб тураверишаркан... Қойил!

Амаким бирпасдаёқ ун-унбешта булдуруқни осонгина тутиб олди. Бу воқеа мен учун овчилик саҳифасининг очилмаган варағи эди. Албатта, амаким эртага мендан овчиликнинг бу янги варағи ҳақида битта-битталаб сўрайди. Мен булсам янглишмай жавоб бераман. Амаким эса яна янги нарсаларни ўйлаб топади. Яна янги суроқлар...

Мен учун бундай суроқлар қанча қул бўлса, шунча яхши!...

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Барчамиз «Тонг юлдузи» ўқиймиз!

Ассалому-алайкум қадрдон газетамиз «Тонг юлдузи!» Биз Ўзбекистонимизнинг энг жасур ва мард ўғлони булган ўзбек генерали Собир Раҳимов номли мактабда ўқиймиз. Бизлар генерал бобомиз ҳақида жуда қул нарсаларни биламиз. Айниқса, сенинг саҳифаларинг орқали бериб борилаёт-

ган жуда қул тарихий шахслар, афсонавий қахрамонлар ҳаёти ва қилган мардона ишлари тўғрисидаги маълумотларни ўқиб борарканмиз, юртимиз тупроғи марду майдонларга кон эканлигини тобора яхши англаймиз.

Мана яқиндагина сенинг саҳифаларингга биринчи сентябр арафасида қулларига

гул тутиб мактаб остонасига илк бор қадам қуяётган қизалоқнинг суратларини томоша қилиб хурсандчилиғига шерик булган эдик, энди эса сўнгги кўнги-роқнинг жаранларини тинглаяпмиз. «Тонг юлдузи!» Сен бизнинг энг сеvimли нашрларимиздан бирисан. Шунинг учун ҳам ўқитувчимиз Гулсум опа Инонбоева бошчиликларидан сенинг ҳар бир сонингни мунтазам равишда ўқиб борамиз. Мактабимиз директори Абдуҳошим ака Ҳайитов, илмий мударимиз



Тоштемир ака Иноновларнинг узлари айнан сенинг обунанг масаласида ҳамisha илғор бу-

ладилар. Азиз газетамиз! Биз сени жудаям қаттиқ яхши кўрамыз ва ҳар бир сонингни интизорлик билан кўтиб қоламыз. Чунки сен бизнинг энг яқин маслаҳатгуйимиз ва сирдоши-мизсан, шунинг учун ҳам мактабимиздаги ҳар уч ўқувчидан бири сенга обуна булган, десак, муболага булмайди. Сенинг болажон ва фидойи ижодий ходимларингга чин кўнгиладан ташаккур билдириб,

Гўзал ҚУРДОШЕВА
ва Малика ХОТАМОВА
Самарқанд вилояти,
Пойарик туманидаги,
Собир Раҳимов номли 35-ўрта мактаб ўқувчилари.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Йулдош САИДЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙўлдошЕВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Ҳамидулла Йўлдошев, Мукаррама МУРОДОВА, Мирзаўлат ТОШПўЛАТОВ, Музаффар ПИРМАТОВ, Баҳодир ТОҒАЕВ, Равшан ҚАМБАРОВ.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0433. 43.351 нусхада босилди. Қозог бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 21.00.

• Руйхатдан утиш тартиби № 000137
• Манзилемиз: 700129, Тошкент шаҳри,
• Навоий кўчаси, 30 уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 144-22-64
• 136-54-21